

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

Н. Б. ШОИМОВ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК  
ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ  
ФАОЛИЯТИ

Тошкент

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**А К А Д Е М И Я**

**Н. Б. ШОИМОВ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК**  
**ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ**  
**ФАОЛИЯТИ**

*Ўқув қўлланма*

Тошкент – 2011

Тақризчилар: **М. Б. УСМОНОВ** – юридик фанлар доктори,  
профессор;

**Н. П. АЗИЗОВ** – юридик фанлар номзоди, доцент

**Шоимов Н.Б.**

**Ш-78 Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижроси-  
ни таъминлаш фаолияти: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон  
Республикаси ИИВ Академияси, 2011. – 70 б.**

Қўлланмада ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, жумладан, «ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти» тушунчаси, мазмуни, бу соҳасидаги фаолият шакллари, ички ишлар органлари томонидан экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хусусиятлари, ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги, экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти ва уни бузганлик учун юридик жавобгарлик турлари, ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш функциялари ва уларни такомиллаштириш чоралари каби масалалар кўриб чиқилган.

Экология ҳуқуқи фанининг мавзуларини ўрганишда қўшимча қўлланма сифатида тавсия этилади.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабаларига, тингловчи ва курсантларга, аспирантлар, илмий ходимлар, амалиёт ходимлари ва ушбу мавзуга қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

**ББК 67.99(5У)5я73**

## К И Р И Ш

Экология муаммоси бугунги куннинг умумбашарий муаммоларидан бири ҳисобланади. Унинг салбий оқибати ҳатто ядро хавфхатаридан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, бутун олам аҳлини ташвишга солмоқда. «Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди, – деб ёзади Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов. – Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир»<sup>1</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, атроф табиий муҳитни ифлослантириш, табиий ресурсларни совуриш, экотизимдаги экологик алоқаларни бузиш каби экологик муаммоларнинг олдини олиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Демак, «Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир»<sup>2</sup>.

Кўп ҳолларда атроф табиий муҳитнинг бузилишига экологик ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ҳам сабаб бўлмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, экологик қонунларнинг тўлиқ ижро этилмаётганлиги натижасида етказиладиган зарар ўз ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ҳар қандай бошқа турдаги қонунларнинг тўлиқ ижро этилмаслиги натижасида етказиладиган зарардан ҳам оғирроқ бўлиши мумкин. Чунки, экологик ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши атроф табиий муҳитнинг издан чиқиши, ер-сув ресурсларининг ифлосланиши, ундаги экологик мувозанатнинг бузилиши, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг қирилиб кетиши, айниқса ноёб турларининг йўқолиб кетиши, одамларнинг оммавий касалланиши, ўртача умр кўришнинг камайиши, инсон организмида модда алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ янгидан-янги касалликларнинг келиб чиқиши, юрак, қон-томир ва рақ касалликларининг кўпайиши, ҳатто ҳалокатларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., 1999. – Б. 505.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 507–508.

Экологик қонунлар ижросини таъминлайдиган органлар тизимида ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти алоҳида ўқув қўлланма сифатида ёзилмаган. Экологик масалаларни комплекс таҳлил этиш, ички ишлар органларининг экология масалалари билан шуғулланувчи давлат бошқарув органлари тизимидаги мавқеини очиб бериш ва такомиллаштириш кабилар мазкур ўқув қўлланманинг ёзилишига сабаб бўлди. Чунки, «Табиатга, ўсимликлар дунёсига нисбатан нотўғри муносабатда бўлишга чек қўйиш, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш ҳаммамизнинг асосий бурчимиздир»<sup>1</sup>.

Экологик муаммолар солаётган хавф ва унинг оқибатлари, яъни у билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг ўсиб бориши айти пайтда уларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан комплекс, махсус профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Бундай чора-тадбирлар аксарият ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «Ички ишлар органлари шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови бўлиши лозим»<sup>2</sup>.

Шундай экан, экологик ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш экологик хавфсизликни таъминлаш, унинг асосий йўналишларини амалга оширишда ички ишлар органларининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур қўлланма ҳозирда амал қилаётган экологик қонунлар, ички ишлар органлари тизимида рўй бераётган ислоҳотларни ўзида акс эттирувчи янги норматив ҳужжатлар асосида ёзилган дастлабки ўқув қўлланма ҳисобланади ҳамда экологик ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, унинг асосий йўналишларини амалга оширишда ички ишлар органларининг аҳамияти ва фаолияти тўғрисида ёритиб беришни асосий мақсад қилиб қўяди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби. I жилд. – Т., 2006. – Б. 6.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т., 1999. – Б. 48.

**I БОБ**  
**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ҚОНУНЛАР**  
**ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИГА**  
**УМУМИЙ ТАВСИФ**

**1-§. «Ички ишлар органларининг экологик қонунлар**  
**ижросини таъминлаш фаолияти»**  
**тушунчаси ва мазмуни**

Ўзбекистон табиатининг биологик ва ландшафтлар бўйича хилма-хиллиги – миллий бойлигимизнинг ажралмас қисми. Бу бойлик бир неча юз минг йиллик тадрижий ривожланиш давомида юзага келган ҳамда аجدодларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан меросдир. Зиммамизда бу меросни авлодларга хилма-хил ва барқарор тизим кўринишида қолдиришдек улкан ва масъулиятли вазифа турибди<sup>1</sup>. Бу вазифани амалга оширишда ички ишлар органлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти экология соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш фаолияти билан бевосита ва чамбарчас боғлиқ. Шу муносабат билан экология соҳасидаги давлат бошқаруви, унинг хусусиятлари масаласи хусусида юридик адабиётларда турли хил назарий ва амалий қарашлар мавжуд.

Экология соҳасидаги давлат бошқаруви – ваколатли давлат органларининг табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш, жамиятнинг иқтисодий ва экологик манфаатларини таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитни сақлашни ташкил этишга йўналтирилган фаолияти.

Республикамизда экология соҳасидаги давлат бошқарувини ҳар хил ваколатга эга бўлган ва турли даражада фаолият юритувчи давлат органлари амалга оширадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун масъул давлат бошқарув органларининг тизими одатда умумий ва махсус ваколатли давлат органларига бўлинади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби. II жилд. – Т., 2006. – Б. 6.

Мамлакатимизда умумий ваколатли органларга Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киради. Улар иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда давлат бошқарувини амалга ошириш билан бир вақтда экологияга оид айрим масалаларни ҳам ҳал қиладилар. Шу боис, улар умумий ваколатли органлар деб аталади.

Махсус ваколатли органларнинг фаолияти асосан экологик муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун улар махсус ваколатли органлар деб аталади. Махсус ваколатли органлар ваколатининг ҳажмига кўра комплекс, тармоқ ва функционал ваколатли органларга бўлинади.

Комплекс ваколатли органларга Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат санитария назорати, «Ўзгидромет» маркази, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фанлар академияси киради.

Тармоқ ваколатли органларга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ушбу вазирлик ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри (Ергеодезкадастр) давлат қўмитаси киради.

Функционал ваколатли органларга эса Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат ветеринария назорати, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва бошқалар киради.

Экологик қонунлар ижросини таъминловчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ичида асосий ўринлардан бирини ички ишлар органлари эгаллайди.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 31-моддаси иккинчи қисмига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри



давлат қўмитаси махсус ваколатли табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ҳақида гап кетганда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ички ишлар вазирлиги ва унинг қўйи органлари экология соҳасидаги давлат бошқарув органлари тизимининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Экология соҳасидаги давлат бошқарув органлари тизимида ички ишлар органларининг ўрни ва роли ўзига хосдир.

Ички ишлар вазирлиги ва унинг қўйи тизими ходимлари экологик қонунлар ижросини таъминлаш давомида ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмонлар, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, балиқ захиралари ва бошқа табиий объектларни сақлашда табиатни муҳофаза қилувчи органлар сифатида қатнашадилар, экологик қонунларнинг ижросини таъминлаш учун экологик ҳуқуқбузарликларни содир этганларни жавобгарликка тортадилар, экологик қонунлар бузилишининг олдини олишга қаратилган ишларни бажарадилар, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш фаолияти билан шуғулланадилар.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 29-моддаси иккинчи қисмида экология назорати тизими ҳақида сўз боради. Унга асосан экология назорати давлатнинг атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратларидан иборатлиги қайд этилган<sup>2</sup>.

*Атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш давлат хизмати* табиий муҳитда содир бўлаётган физикавий, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақидаги жорий ва шошилиш ахборот ҳамда унинг ҳолатига доир тахминлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги *давлат назоратини* давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи махсус ваколатли давлат идоралари (Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқ-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 38-м.

<sup>2</sup> Ўша жойда.



ни сақлаш вазирлиги, Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги) республикамиз қонунларида ўрнатилган тартибда амалга оширадилар.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг экология хизматлари шу вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар фаолияти устидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги *идоравий назоратни* амалга оширадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги *ишлаб чиқариш назоратини* корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг экология хизматлари амалга оширадилар ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талабларининг бажарилишига доир дастурлар ва айрим тадбирларнинг ижросини текшириш мақсадига хизмат қиладилар.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги *жамоатчилик назоратини* жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, фуқаролар амалга оширадилар.

Ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи махсус ваколатли давлат идораларининг таркибий қисми сифатида табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширишда қатнашиши, ўз навбатида, уларнинг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолиятини мустаҳкамлайди.

Ички ишлар вазирлиги махсус ваколатларга эга бўлган табиатни муҳофаза қилувчи орган сифатида бошқа вазирликлардан фарқ қилади. Бу вазирлик ушбу ваколатлардан фойдаланиб, экологик қонунчилик бузилишининг олдини олади, айбдорларга қонуний таъсир кўрсатиш чораларини қўллайди ва табиий муҳитга етказилган моддий зарарнинг қопланишини таъминлаб, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этишда ёрдам беради.

Ички ишлар органларидан ташқари, прокуратура, адлия, суд ва хўжалик суди кабилар ҳам экологик қонунлар ижросини таъминлашда кўмаклашадилар. Аммо бу органлар у ёки бу табиат объектларининг муҳофазаси билан бевосита шуғулланмайдилар. Табиатни муҳофаза қилиш вазифасини прокуратура органлари – экологик қонунлар ижросини ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини назорат қилиш орқали, суд органлари – шу тоифадаги ишлар бўйича одил судловни амалга ошириб, хўжалик судлари – экологик қонунчилик талабларининг бузилганлиги, ташкилотлар, муассасалар ўртаси-

даги шартномаларнинг бажарилмаганлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш орқали бажаради.

Ички ишлар органлари, табиатни муҳофаза қилувчи махсус инспекциялар каби, у ёки бу табиий объект ёки комплексларни муҳофаза қилиш учун уларни қўриқлаш жараёнида ҳам бевосита қатнашадилар. Табиатни муҳофаза қилиш фаолияти бир томондан, улар ваколатининг фақат бир қисмини ташкил этса, бошқа томондан, табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини бажаришга тўлиқ ихтисослаштирилади.

Ички ишлар органлари экологик фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор экологик қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, «Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги тўғрисида»ги низом ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайдиган бошқа норматив ҳужжатлар ташкил этади.

Ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрда қабул қилинган 270-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги тўғрисида»ги низомга<sup>1</sup> мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария назорати органлари билан ҳамкорликда кўчалар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойлар худудини, шунингдек шаҳарлар, шаҳар ташқарисидаги дам олиш ва чўмилиш жойларида санитария қоидаларига риоя этилишини назорат қилиб борадилар; эпидемия ва эпизоотияларга қарши курашда, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда, браконьерликка ҳамда ов ва балиқчилик қоидаларининг бузилишига қарши курашда, карантин тадбирлари ва чораларини амалга оширишда тегишли идораларга ёрдам берадилар.

Ички ишлар органларининг экологик вазифаси соғлиқни сақлаш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда сув

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1991. – № 10. – 36-м.

ҳавзалари, тупроқ ва ҳавонинг ташқи воситалардан ифлосланишининг олдини олиш ва шундай бўлган тақдирда, оқибатларини барта- раф қилишга йўналтирилган тадбирларнинг ўтказилишини таъмин- лашдир. Санитария ҳолатини сақлашга қаратилган ишларни ташкил қилиш ички ишлар бўлими профилактика (катта) инспекторларининг ваколатига киради.

Ички ишлар органларининг шаҳар ва бошқа аҳоли пункт- ларининг санитария ва экологик ҳолатини сақлаш борасидаги фао- лияти ИИВ қошида жамоат жойларида санитария ва экология тарти- бининг сақланишини таъминловчи махсус экология бўлими (хизмати) ташкил қилиниши лозимлигини кўрсатмоқда. Тарихга назар солади- ган бўлсак, 1966 йилда, яъни Тошкент зилзиласидан сўнг шаҳарда санитария назорати бўйича махсус милиция отряди, 1971 йилда эса вилоят, шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари таркибида маҳаллий ижроия кенгашларининг маблағлари ҳисобидан санитария милиция бўлинмалари ташкил топган. Бу бўлинмалар зиммасига қуйидаги вазифалари юклатилган: шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларидаги сани- тария ҳолатини сақлашга доир республика ҳукумати ва маҳаллий ҳокимликлар қабул қилган қарорларнинг бажарилишини кунлик назорат қилиш; кўчалар, истироҳат боғлари, стадионлар, пляжлар, сув ҳавзалари ва бошқа жамоат жойларининг озодалигини таъминлаш учун кузатиш; бу ишга ички ишлар органларининг штатсиз ходимла- рини, турар жой ва маҳалла кўмиталарининг фаолларини жалб қи- лиш; санитария-эпидемиология қоидаларини қасддан бузган мансаб- дор шахслар ва фуқароларга нисбатан маъмурий баённомалар тузиш ҳамда материалларни шаҳар, туман ҳокимликларининг маъмурий комиссияларига жўнатиш; аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш ва ҳоказо<sup>1</sup>.

Бу борада қўшни мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ҳам фойдадан холи эмас. Масалан, Россия Федерациясида экологик жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини кучай- тириш учун айрим ҳудудларда экологик милиция ташкил этилган- лиги табиатни муҳофаза қилиш ишида қўшимча имконият яратди. Уларнинг вазифаларига экологик жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, экологик жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича суриш-

---

<sup>1</sup> Соловьева Л. И. Правовые и организационные вопросы деятельности санитарной милиции Узбекистана // Труды Ташкентской высшей школы МВД СССР. Вып 8. – Т., 1975. – С. 45–53.

тирув ишлари ўтказиш, давлат экологик органлари фаолиятининг хавфсизлигини, уларнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажараётган ходимларини ҳимоя қилиш кабилар киради<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасида эса ҳозирги вақтда фақат Тошкент шаҳар ИИББ таркибида экология ва тозаликни назорат қилувчи алоҳида милиция батальони мавжуд. У Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 24 февралдаги 117-сонли қарорига асосан ташкил этилган.

Ички ишлар органларига, назорат ва текширувни амалга оширишдан ташқари, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва ифлосланишдан сақлашда, браконьерларга қарши кураш ҳамда ов қилиш ва балиқ тутиш тартиб-қоидаларини бузувчиларга қарши кураш чораларини амалга оширишда тегишли органларга ёрдам кўрсатиш мажбурияти ҳам юклатилган. Браконьерлик ва бошқа экологик ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфли қилмиш бўлиб, жамиятга катта зарар етказади.

Ички ишлар органлари табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ айрим вазифаларни, жумладан ов милтиқларини олиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатга олиш), шунингдек уларни олиш ва сақлашга рухсатномалар бериш ишларини ўзлари мустақил амалга оширадилар.

Бундан ташқари, йўл патруль хизмати (ЙПХ) ходимлари атмосфера ҳавосини ифлосланишдан сақлаш ва шовқинга қарши кураш вазифаларини мустақил бажарадилар. Улар атмосфера ҳавосини ифлосланишдан сақлаш, автомобиль двигателларининг техник ҳолатини назорат қилиш, техник жиҳатдан носоз транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тақиқлаш, улардан чиқаётган газ ва шовқиннинг белгиланган нормаларга мос келишини таъминлайдилар.

Ички ишлар органлари тизимида табиатни муҳофаза қилиш фаолияти билан патруль-пост хизмати, қўриқлаш бўлими, профилактика хизмати, тергов, ёнғиндан сақлаш бўлинмалари ва бошқа бўлинмалар ҳам шуғулланадилар.

Патруль-пост хизматининг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига назар соладиган бўлсак, айтиш мумкинки, ушбу хизмат ходимлари Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг талабларини бажаришда фаол иштирок этиб, тегишли

---

<sup>1</sup> *Алексеев А. И., Герасимов С. И., Сухарев А. Я.* Криминологическая профилактика: теория, опыт, проблемы. – М., 2001. – С. 432.

органларга ёрдам берадилар, браконьерларга ҳамда ўрмонлар билан боғлиқ ва табиий объектларни йўқ қилишга қаратилган бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашадилар.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти катта аҳамиятга эга бўлиб, экологик қонун талабларини бажариш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда ёрдам беради.

Зеро, табиатга, ўсимликлар дунёсига нотўғри муносабатда бўлишга чек қўйиш, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш нафақат ички ишлар органларининг, балки ҳаммамизнинг асосий бурчимиздир<sup>1</sup>.

## **2-§. Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти шакллари**

Ўзбекистонда инсониятни қуршаб олган табиий муҳитни муҳофаза қилиш – давлатнинг энг зарур иқтисодий ва ижтимоий вазифаларидан бири. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг яқунловчи мажлисида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Бугун, XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик, инсон билан табиат муносабатларини тўғри йўлга солиш муаммолари ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Зеро, бу муаммонинг ечилиши барча халқларнинг манфаатларига дахлдордир, жаҳон цивилизациясининг бугуни ва келажаги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир»<sup>2</sup>.

Шундай экан, бутун мамлакатимиз ҳудудида экологик вазиятни соғломлаштириб бориш – ниҳоятда долзарб муаммо. Уни ҳал қилишда давлатнинг барча органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар қатнашишлари керак. Табиатни муҳофаза қилиш жараёнида иштирок этадиган давлат органлари ўртасида асосий ўринлардан бирини ички ишлар органлари эгаллайди.

Ички ишлар органлари табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, яъни ҳозирги ва келажак авлодлар ҳаёти учун зарур бўлган табиий бойликлар ва захираларнинг тикланиши ва бойишини ҳамда улардан оқилона фойдаланилишини, атроф муҳитнинг барқарор соғлом ҳола-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби. I жилд. – Т., 2006. – Б. 6.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 204.



тини таъминлашга қаратилган муайян чора-тадбирларни амалга оширади.

ИИВ, жумладан, унинг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари ўз низомлари асосида табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги экологик чора-тадбирларни амалга оширадilar:

а) экологик ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг келиб чиқмаслиги учун ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш;

б) соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда кўчалар, ҳовлилар ва аҳоли пунктларида, шунингдек шаҳар ташқарисидаги дам олиш ва чўмилиш жойларида санитария қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиб бориш;

в) эпидемиялар ва эпизоотияларга қарши кураш, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш, браконьерликка ҳамда ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларининг бузилишига қарши кураш, карантин чора-тадбирларини амалга оширишда тегишли идораларга ёрдам бериш;

г) атмосфера ҳавосининг ҳолатини назорат қилиб бориш ва транспорт воситалари чиқарадиган газлардан ифлосланишининг олдини олиш, шовқинга қарши курашиш, транспорт воситалари, автотранспорт корхоналари чиқарадиган ҳар хил мойлар, бензин, нефть қолдиқлари билан сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик мақсадида корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда фуқароларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларини рўйхатга ва ҳисобга олиб бориш ҳамда ана шу транспорт воситаларининг техник-экологик ҳолатини назорат қилиб бориш;

д) республикада давлат ёнғин хавфсизлиги назоратини амалга ошириш, аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғиндан сақланишини таъминлаш, бошқа вазирлик ва идораларнинг ёнғиндан сақлаш бўлинмалари ишини назорат қилиш ва бошқариш, республика ёнғиндан сақлаш ташкилотларининг ҳамкорликда иш олиб бориш тартибини белгилаши;

е) табиий объектлар ва комплекслар муҳофазасини амалга ошириш;

ж) табиий ресурслар (ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвотот ва ўсимлик дунёси кабилар)дан унумли фойдаланилишини таъминлаш ва ҳоказо.

Ички ишлар органларига экология соҳасида жуда кенг кўламли вазифалар юклатилганига қарамай, мазкур фаолиятнинг самарадорли-

гини юқори даражада деб бўлмайди. Бунга эришиш учун, авваламбор, ички ишлар вазирлигининг норматив ҳужжатларида назорат, текширув ҳамда табиий бойликларни қўриқлаш ва ифлосланишдан сақлашда, шунингдек браконьерларга, ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларини бузганларга қарши курашиш вазифаларини бажаришда тегишли органларга ёрдам бериш каби фаолият шакллариининг мазмунини янада кенгроқ ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, ички ишлар органларининг бу соҳадаги фаолиятини ўрганиш “текширув”, “назорат” ва “ёрдам бериш” тушунчаларининг мазмуни ва моҳиятини пухта аниқлаб олишни талаб қилади. Мазкур тушунчалар ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиш амалиётда бир қатор салбий ҳодисаларнинг келиб чиқишига, жумладан табиатни муҳофаза қилувчи махсус органларнинг фаолияти бошқа органлар томонидан такрорланиши, айти вақтда жуда зарур масалаларнинг баъзан эътибордан четда қолишига олиб келиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг экологик фаолиятида текширув, назорат ва ёрдам бериш улар фаолиятининг мустақил ва махсус шакллари ҳисобланади.

Кенг маънода, *текширув* органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бу ҳуқуқбузарликлар учун аниқ санкциялар қўллашга йўналтирилган фаолиятидир.

Текширувнинг икки тури: *ички* (идоралар ичидаги) ва *ташқи* (идоралар фаолияти устидан олиб бориладиган) турлари мавжуд. Табиий объектлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳа-сида идоралар ичида олиб бориладиган текширув бевосита хўжалик фаолияти жараёнида табиий объектлардан фойдаланувчи вазирлик ва идораларга юклатилган. Корхона, муассаса ва ташкилотлар, табиатдан фойдаланувчи турли вазирлик ва идоралар табиатни муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунларнинг қатъий бажарилишини кузатишга, идоралар ичида текширувлар ўтказишга мажбурдирлар.

Ички текширувнинг асосий вазифаси табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳамда санитарияга оид қонунларда назарда тутилган талабларни бажаришдир.

Табиий объектлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги ички текширувни умумий ва махсус текширувларга ажратиш мумкин. *Умумий* текширув текшириладиган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятидаги барча йўналишларини қамраб олади. *Махсус* текширув эса бирорта аниқ масалани,



масалан, ахлоқ тузатиш муассасаларининг қишлоқ хўжалигига оид ерлардан фойдаланиши ва уларни муҳофаза қилишини ўз ичига олади.

Табиий объектлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда идоралар устидан олиб бориладиган текширувни давлатнинг махсус ҳокимият ва бошқарув органлари амалга оширадилар.

Табиатни муҳофаза қилишда идоралар фаолияти устидан олиб бориладиган давлат текширувининг *вазифаларига* қўйидагилар киради: барча вазирлик ва идоралар, давлатга қарашли ёки хусусий ёхуд жамоат корхоналари, ташкилотлар ва фуқароларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш тартибига амал қилишлари; табиатни муҳофаза қилиш борасидаги мажбуриятлар ва экологик қонунларда ўрнатилган тартибларнинг бажарилишини таъминлаш.

Махсус ваколатларга эга органларга баъзи вазирлик ва идораларнинг бош бошқармалари, махсус давлат ва жамоатчилик инспекциялари киради.

Табиатни муҳофаза қилувчи махсус давлат инспекциялари табиий объектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда идоралар фаолияти устидан олиб бориладиган текширувни амалга ошириш имконини берадиган кенг *ҳуқуқларга* эга бўлиб, улар қўйидагилардир: корхона, муассаса ва ташкилотларга ҳеч бир монеликсиз ташриф буюриш ва аниқланган табиатни муҳофаза қилишга оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар бериш; табиатдан фойдаланувчиларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини акс эттирувчи материаллар билан жойида танишиш; давлатга қарашли, хусусий ва жамоат корхоналари, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларидан ҳамда фуқаролардан улар йўл қўйган экологик қонун бузилишлари бўйича тушунтириш беришни талаб қилиш; объектлардаги ишлаб чиқариш фаолиятининг атроф табиий муҳитга зарарли таъсирини бартараф этишга йўналтирилган чоралар кўрилмаганида, ҳудудлар, цехлар, айрим ҳолларда эса бутун корxonанинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор чиқариш; давлатга етказилган зарарни қоплаш ҳақида инспекция номидан даъво қўзғатиш ва бошқа чораларни қўллаш.

Табиатни муҳофаза қилувчи инспекциялар ўзларининг тегишли қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларидан фойдаланиб, барча табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий объектлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишларида амалий натижа берадиган ташқи (идоралар устидан олиб бориладиган) текширувларни амалга оширадилар.

Ички ишлар органлари етарлича кенг ҳуқуқларга эга бўлган органлар сирасига кирса ҳам табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда махсус инспекциялар каби идоралар фаолияти устидан олиб бориладиган текширувни амалга ошириш ваколатига эга эмаслар. Ички ишлар органларининг бу соҳадаги ҳуқуқлари нисбатан чекланган.

Ички ишлар органлари балиқ ресурсларининг муҳофаза қилиниши ва тикланишини ҳам текшириб турадилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 майдаги 198-сонли «Республика балиқчилик табиий сув ҳавзаларидан фойдаланишни яхшилаш ва балиқ ресурслари муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-банди ҳамда 2003 йил 13 августдаги 350-сонли «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 12-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси табиий сув ҳавзаларида балиқ ресурсларининг муҳофаза қилиниши ва улардан оқилона фойдаланилиши, ғайриқонуний ов қилиниши ҳамда балиқ ва балиқ маҳсулотларининг ноқонуний сотилишига қарши кураш устидан қаттиқ назорат ўрнатадилар ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига ахборот берадилар<sup>1</sup>.

Юқоридаги қарорлардан кўриниб турибдики, ички ишлар органларига Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда браконьерликка қарши кураш ва қонунларга амал қилинишини кузатиб бориш мажбурияти юклатилган.

Идоралар фаолияти устидан олиб бориладиган ташқи текширув доирасини кенгайтириш, уни амалга оширувчи айрим идораларнинг ишларини кучайтиришни давр талаб қилмоқда. Охириги йилларда ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги роли анча ошди.

Ички ишлар органлари табиат муҳофазасида қатнаша бориб, **назорат** функциясини амалга оширадилар. Кенг маънода, назорат – қонунларга амал қилиниши борасида давлат органлари амалга ошира-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 2003. – № 8. – 70-м.

диган фаолиятнинг шаклларида бири бўлиб, текширувдан фарқли ўларок, доимий равишда ўтказилади.

Ички ишлар органлари томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалга ошириладиган назорат мансабдор шахслар ва фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш, қонунга хилоф ҳаракатларни аниқлаш ва экологик қонунлар бузилган барча ҳолларда давлат органларини бундан хабардор қилиш кабиларни ўз ичига олади.

Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган назорат ҳуқуқбузарларга бевосита таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган тегишли давлат органларига аниқланган ҳуқуқбузарликлар ҳақида ахборот етказишда ифодаланади.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича текширув ва назорат функцияси ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати (ППХ), қўриқлаш, профилактика инспекторлари, йўл патруль хизмати (ЙПХ), транспорт милицияси ва бошқа хизматларига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг патруль-пост хизмати тўғрисидаги низомга биноан, патруль-пост хизматларига кўчалар, хиёбонлар, истироҳат боғларидаги ва бошқа жамоатчилик фойдаланадиган жойларнинг тозалигини сақлаш устидан кузатув олиб бориш; дарахтлар, тарихий ёдгорликларга зиён етказилишига йўл қўймаслик мажбуриятлари юклатилган.

Ички ишлар вазирлигининг норматив ҳужжатларида профилактика инспекторларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш соҳасидаги фаолиятининг доираси аниқ белгилаб қўйилган. Профилактика инспекторлари ўзларининг низомига биноан, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг бошлиқлари, уй бошқарувчилари, комендантлар ва бошқа мансабдор шахсларнинг кўчалар, ҳовлилар ва бошқа ҳудудларнинг санитария қоидалари талабларига жавоб беришини таъминлаш мажбуриятларини бажаришларини назорат қиладилар.

Патруль-пост хизмати бевосита кўчаларнинг экологик ҳолатини кузатиб боришга, дарахтларнинг кесилиши, тарихий ёдгорликларнинг бузилишига йўл қўймаслик вазифаларини бажарса, профилактика инспекторлари эса мансабдор шахсларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларнинг экологик-санитария ҳолатини керакли ҳолда сақлаб туриш бўйича зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришлари устидан назорат олиб борадилар.

Патруль-пост хизмати ва профилактика инспекторларининг табиатни муҳофаза қилиш тартибини таъминлашдаги ваколатлари бир-биридан фарқ қилади. Профилактика инспекторлари кўчалар ва ҳовлиларнинг ҳолатини кузатиб бориш, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат содир этган ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва фош қилиш мақсадида назорат ишларини амалга оширадilar. Бу назорат мансабдор шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш ёки уларни текшириш, кўздан кечириш, шунингдек кўчалар ва ҳовлиларда санитария қоидаларига риоя қилинишини кузатиб боришни англатади.

Агар ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолиятининг бу икки шаклини таққослайдиган бўлсак, улардан иккинчиси (назорат) – нисбатан юқори тартибдаги фаолиятдир. Чунки профилактика инспекторларининг мансабдор шахслар, ташкилотлар ва фуқаролар томонидан кўчалар, ҳовлилар ва ҳудудларнинг санитария ҳолати ва тартибнинг сақланишини назорат қилиш фаолияти, худди санитария назорати органларининг фаолияти каби, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунбузарликларни бевосита бартараф қилишга йўналтирилган. Айнан шунинг учун ҳам профилактика инспекторларининг ваколатлари патруль-пост хизмати ходимларининг ваколатларига қараганда анча кенг, лекин давлат санитария назорати органларининг ваколатларига қараганда торроқдир.

Фуқаролар томонидан кўчалар, ҳовлилар, шаҳар ташқарисидаги дам олиш ва чўмилиш жойларида санитария-ветеринария ва экология қоидаларини бузганлик учун профилактика инспекторларининг уларга жарима солишга ҳаққи йўқ. Профилактика инспекторлари аниқланган ҳолатлар бўйича баённомалар тузиш ва бу баённомаларни маъмурий комиссияларга жўнатиш ҳуқуқи гагина эгадирлар.

Ички ишлар органларига, текширув ва назорат функцияларини амалга оширишдан ташқари, тегишли органларга табиий бойликларни муҳофаза қилиш ва ифлосланишдан сақлаш, браконьерларга ҳамда ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларини бузувчиларга қарши кураш чораларини амалга оширишда ёрдам бериш мажбуриятлари ҳам юклатилган.

Бугунги кунда амалиёт ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилувчи бошқа органлар (Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат санитария назорати, Давлат сув назорати) билан табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасидаги

қонунларнинг бузилишига қарши курашда ўзаро ҳамкорликнинг аниқлаштирилишини талаб қилмоқда.

Браконьерларни ушлаш ва фош қилиш балиқларни муҳофаза қилувчи инспекторларнинг хизмат вазифаси ҳисобланади. Лекин браконьерлар воқеа жойидан қочсалар ва инспекторларга ўзларининг хизмат бурчларини бажаришларида ҳалақит берсалар, ички ишлар органларининг вакиллари инспекторларга ҳуқуқбузарларни ушлашда ёрдам беришлари шарт.

Ички ишлар органлари томонидан табиатни муҳофаза қилувчи органларга бериладиган ёрдамнинг нисбатан кенг тарқалган шаклларига қуйидагилар киради: ҳамкорликда комплекс режалар ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарларни ушлаш ва уларнинг шахсини аниқлашда қатнашиш; ов қилиш ва балиқ тутиш қуроллари ва усулларини текшириш; ўлжа қилиб олинган ҳайвонлар ва балиқларни кўздан кечириш; патруллик, рейд ва пистирмалар ташкил қилиш; браконьерлардан ноқонуний ов ва балиқ тутиш қуролларини олиб қўйиш; экологик қонунларни бузганлик учун мансабдор шахслар ва фуқаролардан тушунтириш хатлари олиш; баённомалар тузиш ва ҳоказо.

Рейд ва патрулликларни ташкил қилиш тадбирларини бажаришга ички ишлар органларининг барча хизмат ходимлари каби йўл-патруль хизмати, жиноят қидирув ва бошқа хизмат ходимлари жалб қилинадилар. Браконьерларни аниқлаш ва ушлашнинг нисбатан самарали усулларига сув объектлари, овчилик хўжаликлари бўйлаб рейдлар уюштириш; махсус постлар қўйиш; сув ҳавзаларига ва овчилик хўжаликлари ҳудудларига олиб борувчи йўлларга пистирмалар қўйиш кабилар киради.

Балиқ тутиш ва ов қилиш мавсуми даврида рейдлардан ташқари махсус тузилган гуруҳлар томонидан сув ҳавзалари ва овчилик хўжаликларида узлуксиз патрулликлар ташкил қилинади. Бу гуруҳ таркибига, ички ишлар органлари ходимларидан ташқари, турли хизматлар, яъни балиқларни муҳофаза қилиш, ов назорати, давлат сув назорати вакиллари ва посбонлар киради.

Кейинги йилларда ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда табиатни муҳофаза қилувчи инспекцияларнинг ҳамкорлиги ва ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштиришнинг янги шакллари юзага келди. Жумладан, Республикамизнинг баъзи ҳудудларида прокуратура, ички ишлар органлари, балиқларни муҳофаза қилиш хизматлари, бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда жамоатчилик вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузилди.



Ички ишлар органлари ходимлари браконьерлар ушланган ёхуд ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларининг бузилиши аниқланган ҳолларда баённомалар тузиш ҳамда ноқонуний ов ва балиқ тутиш қуролларини, ноқонуний ўлжа қилиб олинган маҳсулотларни олиб қўйиш чораларини кўришлари ва уларни расмийлаштиришлари шарт.

Браконьерлик давлатга катта миқдордаги моддий зарар етказди. Унинг ўрни балиқ тутиш қоидаларини бузган ҳамда жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилувчи ҳуқуқбузар томонидан тўлдирилади.

Ички ишлар органларининг экологик ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларни очиш фаолиятида жамоатчилик, давлатнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини амалга оширувчи бошқа органлари катнашса, ушбу фаолият муваффақиятлироқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида айтилганидек, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимига кирувчи органлар амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Ўрмон тўғрисида»ги қонунининг 32-моддаси 2-қисмига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат ўрмон хўжалиги органлари ўрмонларни ёнғиндан сақлаш ва ёнғинга қарши курашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайдилар, зарур ҳолларда ёнғинларни ўчириш учун аҳолини, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ўт ўчириш, ер қазилар техникаси ва транспорт воситаларини жалб этадилар, ёнғин чиқиш хавфи катта бўлган ҳолларда аҳолининг ўрмонда бўлишини ва ўрмонларга транспорт воситаларининг киришини чеклайдилар ёки тақиқлайдилар.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати органлари ўз вазифаларини турли вазирлик, идора, корхона, муассаса, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ёнғинларнинг олдини олишга доир қонун-қоидалар ва нормаларга риоя этишларини назорат қилиш орқали амалга оширадилар. Бундан ташқари, улар ёнғин хавфсизлиги ва ўт ўчириш бўлинмаларини бошқа вазирлик ва идораларга ишга юборадилар ҳамда назорат қиладилар, ўт ўчириш ташкилотларининг ёнғин (жумладан, ўрмон ёнғинлари) келиб чиққан ҳолларда ҳамкорликда ишлаш тартибини белгилайдилар.

Шундай қилиб, Ички ишлар вазирлигининг ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси умумдавлат миқёсида ёнғинга қарши тадбирларни, қайси идораларга мансублигидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларда ёнғинларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга қарши кураш бўйича экологик тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишини мувофиқлаштиради.

Ўрмон ёнғинлари халқ хўжалигига катта зарар келтиради. Ёнғинлар натижасида заифлашган ўрмон зарарли ҳашаротлар ва касалликлар тарқалиши манбаига айланади. Ўрмонларнинг ҳимояланиш, сувларни муҳофаза қилиш, санитария-гигиена ва бошқа функциялари пасаяди, фауналар йўқ қилинади, ўрмон хўжалигининг режали иш юритиши бузилади.

Ўрмонларни ёнғинлардан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 ноябрдаги «Республика ўрмонларини ҳимоя қилиш бўйича айрим меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 506-сонли қарорига илова қилинган «Ўзбекистон Республикаси ўрмонларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари»нинг 8-бандида «ўрмонларда ишлар бажарувчи ёки объектларга эга бўлган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари ёнғин хавфи мавсуми бошланиши олдидан, ўрмонларда маданий-оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказилиши учун масъул шахслар эса ўрмонга жўнаш олдидан ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ва ўрмон ёнғинлари пайдо бўлишининг олдини олиш тўғрисида, шунингдек уларни ўчириш усуллари тўғрисида ходимлар ёки маданий-оммавий ва бошқа тадбир қатнашчиларига махсус дафтарга имзо қўйдирган ҳолда йўриқнома беришга мажбурдирлар», дейилган<sup>1</sup>.

Мазкур қоидалар билан бир қаторда, ўрмон хўжаликларига қўйиладиган талаблар ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан қуйидагилардан иборат: ўрмонларда ёнғинга қарши оралик жойлар, йўллар, ёнғинларга қарши ҳимоя чизик (полоса)лари, зовурлар, сув ҳавзаларини қуриш, кенг фойдаланиладиган ўрмон йўллари бўйлаб ўрмонларда олов билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш зарурлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантирувчи эълон ва плакатларни ўрнатиш; ўрмон йўллари бўйлаб дам олиш ва чекиш учун махсус жойлар ташкил қилиш; ўрмон хўжаликлари

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1999. – № 11. – 68- м.



худудларида пайдо бўладиган ёнғинларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш мажбурияти.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда ўрмон хўжалиги органлари ўрмон ёнғинига қарши кураш борасида ўзларига юклатилган вазифаларни уддалай олмаяптилар. Улар ёнғинларни кўпинча кечикиб аниқлайдилар ва бартараф қиладилар. Ёнғинга қарши кураш самарадорлиги пастлигининг сабабларидан бири баъзи жойларда ички ишлар органлари билан зарур ҳамкорликнинг ташкил қилинмаганлигидир.

Юқоридаги каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ёнғинларга қарши кураш, ўрмон ёнғинларининг келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш учун ўзаро ҳамкорликда олиб бориладиган ишларни кучайтиришлари шарт.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати органлари ўрмонларда оммавий-маданий ва бошқа тадбирлар ўтказувчи корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишда эътиборни ёнғинга қарши жиҳозларнинг мавжудлиги ва ишга яроқлилиги ҳамда ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларида кўрсатилган ўрмон ёнғинларини ўчириш воситаларининг сифати ва салмоғига қаратишлари шарт.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ва ўрмонларни муҳофаза қилиш ходимлари айниқса ўрмон ёнғинларининг келиб чиқиши ва тарқалиши хавфи ҳаддан ташқари юқори бўлган об-ҳаво шароитларида ҳушёрликни оширишлари шарт. Одатдагидан қуруқ ва иссиқ об-ҳаво шароитида ўрмонларга аҳоли ва автотранспорт воситаларининг киришини вақтинчалик тақиқлашга қаратилган ёнғинга қарши профилактик чораларнинг ўз вақтида қўлланилмаслиги боис халқ хўжалигига улкан зарар етказувчи катта ёнғинлар келиб чиқади.

Мисол учун, 2008 йил Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилганлиги оқибатида бир қанча ёнғинлар содир бўлган. Жумладан, 2008 йилнинг 8 апрелида Нукус тумани Тоғай хўжалигининг 4-сонли айланмаси 35-мавзеида жойлашган тўқайзорда ёнғин содир бўлиши оқибатида 20 гектар тўқайзор дарахтлари ёниб кетган ва ўрмон хўжалигига 865,7 минг сўмлик зарар етган. Шунингдек, 2008 йилнинг 20 апрелида Хўжайли туманлараро ўрмон хўжалигининг 7-сонли айланмаси 23-мавзеида содир бўлган

ёнғин оқибатида ўрмоннинг 10,8 гектар ери ёниб кетиб, ўрмон хўжалигига 163,3 минг сўмлик зарар етказилган<sup>1</sup>.

Ички ишлар вазирлигининг ёнғин хавфсизлиги хизмати органлари корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш ва қайта таъмирлашнинг ёнғин хавфсизлиги талаблари қисми бўйича хулосалар беради, бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиялари таркибида қатнашади, амалдаги қонунларга биноан ёнғинлар ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилишига доир ишлар бўйича суриштирув олиб боради. Бундан ташқари, ички ишлар органлари, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасида кўрсатилганидек, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан назорат олиб боради.

Хуллас, ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти тўрт шаклда – назорат қилиш, ҳамкорлик, шартнома ва регулятив (норматив тартибга солиш) шаклларда – амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси умумий назорат (фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш) бошқармасининг 2009 йил 10 январдаги «Табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунчиликнинг аҳволи тўғрисидаги маълумотномаси»дан.

## **II БОБ**

### **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЭКОЛОГИК ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

#### **1-§. Ички ишлар органлари томонидан экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг хусусиятлари**

Ички ишлар органлари экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдир. Экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий чоралар мужассамлигида таъминланади. Ушбу чоралар ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланишида ўзига хос жиҳатларга эга.

Экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш зарур вазифа бўлиб, уни бажаришда табиатни муҳофаза қилишга масъул бўлган барча давлат бошқарув органлари иштирок этадилар. Бу органлар ўзларининг экологик вазифаларини қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий воситалар ёрдамида бажарадилар.

Шу органлардан бири бўлган ички ишлар органлари экологик-ҳуқуқий фаолиятининг юқори самарадорлиги ва экологик ҳуқуқбузарликларнинг маълум миқдорда камайишига эришиш учун экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш шаклларида тўлиқ фойдаланишлари лозим.

Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш шакллари бўйича юқорида билдирилган фикрларни умумлаштириб, ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш усулларига қўйидагиларни мисол келтириш мумкин:

*биринчидан*, экологик қонунларнинг ижро этилишини таъминлаш юзасидан кузатувлар олиб бориш (рейдлар ташкил қилиш ва ўтказиш, экологик ҳуқуқбузарликлар ва жинойатлар кўпроқ содир этиладиган жойларда патруллик қилиш, экологик постлар қўйиш ва ҳоказо);

*иккинчидан*, содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг сабаблари ва келиб чиқишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш;

*учинчидан*, бу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

*тўртинчидан*, аҳоли, айниқса ўқувчи ёшлар орасида экологик қонунларни, уларнинг аҳамияти, уларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари, умуман, экологик муҳит бузилиши инсоният учун қандай салбий оқибатларга олиб келиши тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш ва ҳоказо.

Экологик ҳуқуқбузарликлар ҳам бошқа ҳуқуқбузарликлар каби ижтимоий табиатга эга. Шу нуқтаи назардан, экологик қонунлар бузилишининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш фаолиятидан ягона мақсад кўзланади. Уларни амалга ошириш усуллари ва субъектлари эса турлича бўлади.

Шу субъектлар ичидан ички ишлар органлари ўз ваколатини ҳисобга олган ҳолда ўзларига маълум бўлган ва маълум бўлиши керак бўлган экологик қонунбузарликларнинг сабаблари ҳамда уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнигина аниқлашлари ва бартараф қилишлари керак.

Экологик қонунлар бузилишининг сабабларини айрим фуқароларнинг фақат ўз манфаатларини ўйлашлари, табиий муҳит ҳисобидан ноқонуний бойлик орттиришга интилишлари, табиий ресурсларнинг битмас-туганмаслигига ишонишлари, табиий объектларни йўқ қилиш, қириб ташлаш эвазига бойлик орттиришга одатланган шахсларнинг жазоланмай қолишлари, баъзи фуқароларнинг ахлоқ-одоб масаласида оқсашлари ва экологик қонунларни билмасликлари кабилар ташкил этади.

Экологик ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ички ишлар органлари томонидан аниқланиши мумкин ва шарт. Бу иш балиқ захиралари ва сув ҳавзаларини муҳофаза қилувчи идоравий милициянинг мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг ваколатига, табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасидаги, масалан, тақиқланган балиқ тутиш қуроллари (ёйма тўрлар, санчқилар, кўлда ясалган, яъни ўзбошимчалик билан тайёрланган илмоқли балиқчилик анжомлари ва бошқалар)ни тайёрлаш ва сотиб олиш; кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг қониқарсизлиги; овланган балиқларнинг етарли даражада қўриқланмаслиги; минерал

ўғитлар, портловчи моддалар, захарли химикатлар ва бошқа захарли материалларни ташиш, сақлаш ва қўллашда назоратнинг суствлиги; балиқ овлаш қуролларини ҳисобга олишдаги камчиликлар; ов милтиқларини сотиш ва рўйхатга олишда, сув транспортидан фойдаланишда назоратнинг суствлиги каби ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг содир бўлишига имкон яратувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш ҳам киради.

Ички ишлар органлари экологик ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш учун ўзларининг куч ва воситалари билан доимий равишда иш олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича тегишли органларга тақдимномалар киритиш экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш усулларидан бири. Жўнатилаётган ушбу тақдимномаларда экологик ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон яратувчи шарт-шароитлар ҳамда уларнинг олдини олишга доир таклифлар аниқ ва тушунарли тарзда кўрсатилиши лозим. Баъзан шундай ҳолатлар учрайдики, киритилган тақдимномалар бўйича чоралар кўрилмайди ёки қилинган ишлар ҳақида ички ишлар органларига хабар берилмайди. Бундай ҳолатларда юқори органларга, албатта, оғзаки ёки ёзма хабар берилиши шарт.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар, жумладан экологик характердаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларига ички ишлар органлари томонидан уларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ишлари ҳам киради. Бундай шахсларни доимий назоратда тутиш, улар билан тушунтириш ишлари олиб бориш лозим.

Яхши ва сифатли ташкил этилган тарбия ва тарғибот ишлари, айниқса экологик ҳуқуқий тарбия, ички ишлар органлари ўтказадиган бошқа профилактика чоралари ичида алоҳида аҳамият касб этади.

Ички ишлар органлари экологик жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш учун экологик-ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб боришлари, фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онги, маънавияти ва маданиятини оширишга кўмаклашишлари ҳамда бу ишни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарғибот алоҳида аҳамиятга эга. Унинг вазифаси аҳолининг кенг қатламларини экологик қонунларга, табиат бойликларини асраш ва кўпайтиришда фаол ҳамкорлик қилишга доир ахборот билан таъминлашдан иборат.



Бу чоранинг зарурлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги 1791-сонли «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармони талабидан ҳам билиб олса бўлади. Бу фармонда: «Аҳолининг хуқуқий маданиятини ошириш ва хуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар – давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин»<sup>1</sup>, – деб кўрсатиб ўтилган.

Ёки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги 466–1-сонли 1997 йил 29 август қарори талабидан келиб чиқиб ҳам шу фикрларга кўшилиш мумкин. Олий Мажлиснинг бу қарорида «Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари хуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги хуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда хуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун хуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш» эканлиги кўрсатиб ўтилган<sup>2</sup>.

Бу борадаги хуқуқий ташвиқот-тарғибот ишлари асосан жамоатчиликни экологик хуқуқбузарликларга қарши курашга сафарбар қилишга, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни бундай хатти-ҳаракатлардан қайтаришга йўналтирилмоғи шарт.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобида: «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишда кенг омма иштирок этган тақдирда ижобий натижалар беради. Шундагина биз келгуси авлодлар учун наботот оламининг бебаҳо бойлигини сақлаб қолдирган бўламиз»<sup>3</sup>, – деб бежизга қайд этилмаган. Бу мақсадларга эришиш билим ва экологик қонунларга қатъий амал қилишга асосланган бўлиши керак, чунки «жамият ҳаёти изчил илмий негизда ташкил қилиниб, фан тавсиялари ва тиббиёт қонунлари асосида олиб борилса, экологик танглик хавфини камайтириш ва аста-секин зарурий мувозанатга эришиш мумкин»<sup>4</sup> бўлади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари (1995 йил 5 январдан 2000 йил 1 январгача). – Т., 2000. – Б. 154.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9. – 227-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби. I жилд. – Т., 2006. – Б. 7.

<sup>4</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т., 1998. – Б. 243.

Маълумки, ички ишлар органлари ходимлари томонидан экологик мавзуларда турли тадбирлар, маърузалар, суҳбатлар ўтказилади. Бу албатта ўз натижасини беради, аммо кенг жамоатчилик қатламларини қамраб олса янада мақсадга мувофиқ бўлади. Қисқача айтганда, Конституциямизнинг 50-моддасида белгиланган «фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» деган талаб ҳаётда тўлиқ мужассам бўлганидагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ички ишлар органлари тарғибот-ташвиқот ишларини нафақат амалдаги экологик қонунлар ва уларнинг моҳиятини аҳоли эътиборига етказишлари, балки уларни салбий ва ижобий характердаги амалий мисоллар ёки аниқ фуқаровий, жиноий, маъмурий ишлар билан, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир қилинишига имкон берувчи шарт-шароитларни очиб бериш билан боғлашлари керак.

Ички ишлар органларига қўйиладиган асосий талаблардан бири экологик қонунларни, ҳудуддаги экологик вазиятни, республикамизда олиб борилаётган экологик сиёсатни пухта билиш ва амалга оширишдир.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги тарғибот ишларида экологик қонунларни ўрганишдан ташқари, аҳолини, жумладан ўқувчи ёшларни Ватанга, унинг табиий бойликларига муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳам мақсад қилиб қўйилади. Шу боис ҳам табиат объектларига нисбатан оқилона муносабатни шакллантиришга яхлит экологик тарбиянинг таркибий қисми сифатида қаралади.

Табиат ресурсларига нисбатан оқилона муносабатда бўлишни аҳоли онгига сингдириш учун экологик ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш ва уларни такомиллаштиришда асосий эътиборни ёшлар (мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, талабалар ва бошқалар)га қаратиш керак.

Экологик ҳуқуқбузарликларга йўл қўймайдиган муҳим чоралардан бири ички ишлар органлари ходимлари томонидан балиқлар сотиладиган жойлар, овчилик хўжаликлари ва бошқа объектлар бўйлаб рейдлар ўтказиш, экологик постлар қўйиш кабилардир.

Экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, браконьерлар ва бошқа экологик ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларни ушлашда ички ишлар органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– ҳуқуқбузардан қонунга хилоф ҳаракатларни тўхтатишни ва ҳуқуқбузарлик содир қилиши сабабларини тушунтиришни талаб қилиш;



- ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича баённомалар тузиш;
- ҳуқуқбузарнинг ёнида ҳужжатлари ва унинг шахсини тасдиқловчи гувоҳлар бўлмаганида шахсини аниқлаш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун уни ички ишлар бўлимига олиб келиш;
- ҳуқуқбузарлардан ноқонуний ов ва балиқ тутиш қуроллари ҳамда воситаларини олиб қўйиш, шунингдек ов қилиш буюмларини маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал бўлгунча сақлаш;
- ноқонуний ов маҳсулотларини олиб қўйиш.

Экологик ҳуқуқбузарликлар содир қилган шахслар аниқланмаган барча ҳолларда қонун ички ишлар органларига жиноятни фош қилиш ва унга алоқадор шахсларни аниқлаш бўйича зарур оператив қидирув чораларини кўришни юклайди.

Ички ишлар органлари томонидан экологик қонун бузилишларининг олдини олишда турли хил табиий объектлар муҳофазаси бўйича ташкилотлар – табиатдан фойдаланувчилар ва манфаатдор идоралар билан шартнома асосида фаолият юритувчи идоравий милицияга алоҳида аҳамият берилади<sup>1</sup>.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда идоравий милиция жуда катта аҳамият касб этганлиги боис шу мақсадда махсус тузилган.

Табиий объектларни муҳофаза қилиш ҳақидаги шартнома муносабатлари бир қатор ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бунда томонлар нафақат тегишли ҳуқуқларга, балки улардан фойдаланишнинг белгиланган тартибига ҳам эга бўладилар.

Шартноманинг амалга оширилиши жараёнида томонлар ўзига берилган ваколатлар, табиий объектларни муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ фаолиятдан келиб чиқадиган аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар ва уларни амалга оширадилар. Бунда томонлар ўз фаолияти ва табиий объектларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича давлат манфаатларидан келиб чиқиб шартнома тузадилар. Ҳар бир табиат объектининг ижтимоий, иқтисодий аҳамияти кўриқлаш фаолиятининг усулларини белгилаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фаол иштирок этиб, табиий объектлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, асраш,

---

<sup>1</sup> Боголепов Р. Д. и др. Природноресурсное, сельскохозяйственное право и правовая охрана окружающей среды. – М., 1984. – С. 128–130.

кўпайтириш ва тиклашга йўналтирилган давлат экологик сиёсатини амалга оширишда вакил сифатида қатнашади.

## **2-§. Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги**

Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш, улар билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда фош этиш фаолияти жамоатчилик, айниқса маҳалла кўмиталари, хотин-қизлар кўмиталари, ёшлар ташкилотлари, диний идоралар, умумий таълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш функцияларини амалга оширувчи жамоатчилик ташкилотлари ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда олиб борилгандагина муваффақиятли бўлиши мумкин.

Хўш, жамоат ташкилотлари нима? Бу ташкилотларга кимлар киради? Юридик энциклопедияда қайд этилишича, «жамоат ташкилоти – жамоат бирлашмасининг тури»<sup>1</sup>. Демак, «жамоат ташкилотлари» ва «жамоат бирлашмалари» сўзларининг моҳияти бир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимлар жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Жамоат бирлашмалари ҳақидаги конституциявий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 1991 йил 15 февраль қонунида ҳамда ушбу қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги бир қанча қонунларда ривожлантирилган бўлиб, унинг 1-моддасига асосан, ихтиёрий тарзда вужудга келган сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт уюшмалари ҳамда бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар

---

<sup>1</sup> Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2001. – Б. 151.

уюшмалари, жамғарма, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади<sup>1</sup>.

БМТ меморандумида жамоат ташкилотларига уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнидан келиб чиқиб, давлат ва иқтисодиётдан кейинги «учинчи сектор» деб баҳо берилган<sup>2</sup>.

Жамоат бирлашмалари куйидаги мақсадларда тузилади: фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварликни тарбиялаш; давлатлараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашда жамоат бирлашмаларининг таркибий қисмларини ташкил этувчи ҳар бир бўғин билан ҳамкорлик қилиши мақсадга мувофиқ. Ҳозирги даврда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш кўп қиррали, мураккаб вазифа бўлиб, уни давлат идоралари, жамоат ташкилотлари биргаликда ҳал этишлари талаб қилинади<sup>3</sup>.

Шу сабабли ҳам, сўнгги йилларда тўпланган илғор тажрибаларга таяниб, республикамизда экологик ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш, уларнинг олдини олиш фаолиятини янада кучайтириш мақсадида ички ишлар органларининг жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва такомиллаштириш ҳозирги кунда жуда катта аҳамиятга эга.

Жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётида тутган ўрни жуда муҳим бўлиб, ички ишлар органларининг бу ташкилотлар билан ҳамкорлиги, барча соҳаларда бўлгани сингари, экологик қонунларнинг ижросини таъминлашда ҳам асосий ўринни эгаллайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1991. – № 4. – 76-м.

<sup>2</sup> Тангриев А. Мустақиллик ва жамоат ташкилотлари. – Т., 2000. – Б. 4.

<sup>3</sup> Халқ хизматида 75 йил / Масъул муҳаррир М. Ҳайдаров. – Т., 1992. – Б. 204.

Ички ишлар органлари ва жамоат ташкилотларининг биргаликда муҳим ижтимоий вазифаларни бажаришлари уларнинг ўзаро ҳамкорлигининг мазмунини ташкил этади. Шу сабабли, жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида ички ишлар идораларининг жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги деганда, объектив зарур, мақсади, жойи, вақти ўзаро келишилган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш доирасида ахборот алмашиш, биргаликда режа тузиш ва тадбирларни амалга оширишда юзага келадиган, бошқарув субъектлари томонидан ташкил этилувчи ва тартибга солинувчи тизимли фаолиятни тушуниш керак<sup>1</sup>.

Экологик қонунларнинг ижросини таъминлашда ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қиладиган жамоат ташкилотлари иккига, яъни табиатни муҳофаза қилиш ишларида тўлиқ иштирок этадиган ва шу соҳада ваколатли бўлган жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа вазифаларни бажариш билан бирга экология соҳасида ҳам фаолият юритадиган жамоат ташкилотларига бўлинади.

Ички ишлар органлари ўзларининг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида энг аввало табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш мақсадида тузилган жамоатчилик ташкилотларига, яъни Ўзбекистон экологик ҳаракати ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида ташкил этиладиган маҳаллий ташкилотлар ҳамда соҳавий жамоатчилик инспекцияларига (сув ресурсларини муҳофаза қилувчи, овчилик, балиқ овлаш ва бошқаларга) таянадилар.

Бу жамоат ташкилотларининг асосий вазифаларига табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширувчи давлат органларига ёрдам кўрсатиш; табиатни муҳофаза қилиш, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш каби жамоат ишларига кенг жамоатчиликни жалб қилиш; табиат бойликларининг қўриқланиш ҳолати ва улардан фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш; табиатни муҳофаза қилишга қаратилган билимларни тарғиб қилиш; табиатни муҳофаза қилиш тадбирларида жамият аъзоларининг бевосита иштирокини таъминлаш; табиатни муҳофаза қилишни самарали йўлга қўйиш бўйича таклифлар киритиш кабилар киради.

---

<sup>1</sup> *Забелев С. М.* Взаимодействие органов внутренних дел с трудовыми коллективами и общественностью в охране общественного порядка и профилактике правонарушений. – Минск, 1979. – С. 7.

Ички ишлар органларининг жамоат инспекциялари билан ҳамкорлиги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича қўшма тадбирлар ишлаб чиқиш, патруллик ва рейдлар ташкиллаштириш, аҳоли ўртасида экологик-ҳуқуқий тушунтириш ишлари олиб бориш кабиларда натижа беради. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг жамоатчи инспекторлари ҳуқуқбузарларни ушлаш ва уларнинг шахсини аниқлаш, ушланганларнинг ҳужжатларини текшириш, гувоҳларни сўроқ қилиш, ҳуқуқбузарликлар ҳақида баённомалар тузиш ва уларни тегишли давлат органларига жўнатиш каби тадбирларда қатнашадилар. Жамоатчи инспекторлар ҳуқуқбузарларнинг шахсини аниқлаш пайтида уларнинг ёнларида ҳужжатлари ва улар ҳақида зарур маълумотларни берувчи гувоҳлар бўлмаган тақдирда, шунингдек ҳуқуқбузарлик белгилари (ноқонуний овланган жониворлар, тақиқланган жойларда ўрмонларни кесиш ва ҳоказо) мавжуд бўлса, ички ишлар органларига мурожаат қилишлари мумкин. Ички ишлар органлари ходимлари, ўз навбатида, жамоатчи инспекторларга кўрсатмалар берадилар, кузатиш (патруллик қилиш) жойларини, уларнинг ишларидаги камчиликларни кўрсатадилар, улар билан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва келиб чиқишига имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф қилиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказишни режалаштирадилар.

Ички ишлар органлари ушбу жамоат ташкилотларининг вакиллари орқали браконьерларни, уларнинг ноқонуний ҳаракатлари жойларини, ўқотар қуроллар ва тақиқланган овчилик воситаларини сақлаётган фуқароларни фош қиладилар. Ҳозирги вақтда ички ишлар органларининг соҳавий (овчилик, балиқ тутиш) жамоатчи инспекторлари билан амалий ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш ҳамда овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомга<sup>1</sup> мувофиқ, овчилар ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 2004. – № 10. – 102-м.



балиқ тутувчилар жамоат ташкилотлари аъзолари овчиларнинг овчилик билетлари, тегишли йўл варақаларини текшириш, ов қилиш муддати ва қоидаларига амал қилмаган ҳуқуқбузарларга нисбатан баённомалар тузиш ва бу ҳақда давлат инспекцияларига хабар бериш ҳамда ҳуқуқбузарлардан ноқонуний ов маҳсулотларини олиб қўйиш ва далолатнома асосида умумий овқатланиш корхоналарига ёки тайёрлов ташкилотларига жўнатиш каби ҳуқуқларга эгадирлар. Ов қилиш тартиби бузилишининг олдини олувчи амалдаги восита давлат овчилик инспекциялари ходимлари, ички ишлар органлари ходимлари ва жамоатчилик вакилларида иборат гуруҳнинг овчилик хўжалигини айланиб чиқиши, жойларга кузатиш постлари ва пистирмалар қўйиши кабилардан иборат.

Экологик қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида балиқ тутиш тартибини бузувчиларни аниқлаш ва бунинг олдини олишда балиқ овловчиларнинг жамоат ташкилотлари катта ёрдам кўрсатади. Бу ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ фаолият олиб борадилар<sup>1</sup>.

Ички ишлар органлари ходимлари жамоатчи инспекторлар билан биргаликда балиқ тутиш жойларида патрулликлар қилиб, балиқлар қўпаядиган ва кўчиб юрадиган сув ҳавзаларида мунтазам равишда кузатишлар олиб борадилар. Балиқ захиралари ноқонуний ташиб кетилишининг олдини олиш мақсадида автомобиль йўлларига постлар қўйилади, ҳамкорликдаги операция ва тадбирлар ташкил этилади. Масалан, 2008 йилда «Тўр» тадбири ўтказилган. Тадбирни кўнгилдагидек ташкил этиш учун барча ҳудудий ички ишлар идоралари назорат-лицензиялаш тизими, жиноят қидирув, йўл-патруль хизмати ходимлари, профилактика инспекторлари, «Давбионазорат» инспекторлари, овчилар ва балиқ тутувчилар жамиятлари аъзоларидан иборат махсус гуруҳлар тузилган. Гуруҳ аъзолари мавжуд сув ҳавзалари, бозорлар ва улар атрофидаги ҳудудларда белгиланган режа асосида рейдлар ўтказишган.

Бундан ташқари, ўрмон ресурсларини муҳофаза қилиш учун ушбу органлар ўрмондаги шахслардан ёнгин хавфсизлиги қоидалари-

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

га риоя этилишини талаб қилиш, ўрмон хўжалигида дарахт кесаётган ишчилар, мол боқувчи, ов қилувчи, хашак ўрувчи, ўсимликлар билан қопланган ерларни ҳайдовчи, иморат солувчи шахсларнинг ҳужжатларини текшириш ҳуқуқига эга бўлган жамоатчи инспекторларни жалб қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 ноябрдаги «Республика ўрмонларини ҳимоя қилиш бўйича айрим меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 506-сонли қарорига биноан, мол боқишга барча ўрмонларда ва дарахтзорлар билан қопланмаган давлат ўрмон фонди ерларида рухсат этилади. Алоҳида қимматга эга бўлган ўрмон массивлари, ёнғоқ етиштириладиган зона ўрмонлари, курортларнинг санитария муҳофазаси округлари, эрозияга қарши ўрмонлар бундан мустасно. Шу билан бирга, қуйидаги жойларда мол боқиш қатъиян тақиқланади:

а) ўрмон дарахтларининг бўйи уларнинг юқори қисмини моллар шикастлай олмайдиган баландликка етмаган майдонларда, уруғлик дарахтли, тол, терак ва ёнғоқ мевали дарахтзорларда, шунингдек табиий равишда ўрмонлар тикланишига кўмаклашиш тадбирлари амалга оширилаётган участкаларда;

б) ёш дарахтларнинг юқори қисмини мол шикастлай олмайдиган баландликка етгунигача жадал ўсаётган табиий ёш дарахтзорларда;

в) дарахтлари кесилган ҳамда игнабаргли ва қаттиқ баргли дарахтзорлар табиий равишда тикланиши мўлжалланган, дарахтзорлар билан қопланмаган бошқа майдонларда;

г) осон ювилиб кетадиган ва тўзиб кетадиган тупроқли майдонларда<sup>1</sup>.

Жамоатчи инспекторларга ички ишлар органлари ходимлари билан биргаликда ўрмонларга яқин жойда жойлашган аҳоли пунктларида фуқароларнинг бу қоидаларга риоя қилаётганликларини қатъий кузатиб бориш мажбурияти юклатилган.

Республикамиз вилоятларида фаолият юритувчи сув инспекторлари ички ишлар органлари билан ҳамкорликда сувдан фойдаланиш, балиқ захираларини кўриқлаш қоидалари ҳамда сувдан махсус фойдаланишга рухсат бериш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш жараёнида санитария қоидалари бузилишларини бартараф қиладилар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1999. – № 11. – 68-м.



Ички ишлар органлари билан жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда бевосита истиқомат жойларида ҳамкорлик қиладиган жамоат ташкилотларидан бири «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасидир.

Ички ишлар органлари ўзларининг табиатни муҳофаза қилиш ва экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолиятида фуқароларнинг фаоллигини ошириш орқали ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнини жадаллаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат бошқарув тизимининг айрим ваколатларини бажаришига кенг йўл очиш, осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда давлат идоралари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорликда иш олиб боришига эришиш, аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлигини оширишдан иборат мақсад йўлида ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларига таянадилар. Ҳозирги вақтда уларнинг ваколатларини кучайтиришга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Уларга экология соҳасида бевосита табиат бойликларини сақлаш, браконьерларга, ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларини бузувчиларга қарши кураш, санитария қоидаларига риоя этишни таъминлаш вазифалари юклатилган.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисидаги низомда белгилаб қўйилган вазифа, ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида экология соҳасида ҳам фаолият юритадилар.

Маҳалла посбонлари ўзлари яшаётган ҳудудда содир этилиши мумкин бўлган турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очиш, шунингдек аҳоли билан турли профилактик ва олдини олиш мазмунидаги тадбирларни ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг энг яқин кўмакчилари ҳисобланадилар.

Маҳалла посбонлари ички ишлар органлари ходимларига ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ва маҳаллада ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга алоқадор бўлган вазифаларни бажаришда ёрдам бериш билан бирга фуқароларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшларнинг экологик ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маҳалла ҳудудида қонун устуворлиги ва осойишталикни таъминлаш, жамиятда юриш-

туриш қоидалари ва ахлоқ-одоб мезонларига риоя қилиниши ҳамда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш, маҳаллада тартиб ўрнатиш билан боғлиқ бошқа ишлар ва экология борасидаги ишларни, жумладан, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш, маҳаллаларнинг санитария ҳолатини яхшилаш ва ободонлаштириш юзасидан турли ҳашарлар ва тадбирларни амалга оширишда яқиндан ёрдам берадилар. Улар кўчалар, парклар, фуқароларнинг дам олиш жойларида жамоат тартибини сақлаш билан бир қаторда ўша жойлардаги дарахт ва ўсимликларнинг синдирилиши ва йўқ қилинишининг олдини оладилар.

Ички ишлар органлари фуқаролар онгида атроф табиий муҳитга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни шакллантириш мақсадида ҳаммадан кўра яхши тайёргарлик кўрган жамоатчилардан экологик қонунларни ташвиқ этувчи гуруҳлар тузадилар.

Бундан ташқари, экологик ҳуқуқбузарликларнинг алоҳида турларига қарши кураш бўйича махсус гуруҳлар ҳам тузилади. Республикада шундай гуруҳлардан бири сифатида балиқ захираларини муҳофаза қилувчи гуруҳ фаолият юритмоқда.

Ички ишлар органлари билан маҳалла посбонларининг ўзаро алоқалари қонунийлик, ҳамкорлик ва илмийлик принципига асосланади. Ўзаро алоқалар соҳасидаги қонунийлик принципи ички ишлар органлари ходимлари ва маҳалла посбонларининг тегишли муаммоларни биргаликда ечишда қонунларга қатъий амал қилишларини назарда тутди. Ҳамкорлик принципи ишчанлик, ўзаро ёрдам ва томонларнинг ўзаро муносабатларида хайрихоҳликни, илмийлик принципи эса ўзаро алоқаларнинг илмий асосланганлигини назарда тутди.

Бунда ички ишлар органлари ходимлари билан маҳалла посбонларининг ўзаро алоқалари бевосита патрулликларни амалга ошириш, овчилик хўжаликлари ва ўрмонзорларни, қимматли ва ноёб балиқларнинг увилдириқ қўядиган жойларини ва бошқа ҳудудларни айланиб чиқишларида катта аҳамият касб этади. Ички ишлар органлари ходимлари бундай кичик гуруҳларга нисбатан кўпроқ тажрибага эга бўлганликлари учун улар патрулликларни уюштиришда раҳбарликни амалга оширишлари шарт. Тажрибали ходимлар маҳалла посбонлари билан биргаликда навбатчилик қилаётган вақтларида табиий ресурсларни қўриқлаш жараёнида келиб чиқадиган нохуш ҳолатлар, бундай вазиятларда бажариладиган ҳаракатларнинг ўзига хослиги, ҳуқуқбу-

зарларни ушлаш усуллари ва бошқа масалалар ҳақида сўзлаб беришлари керак.

Булардан ташқари, ички ишлар органлари ўзларининг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида ва «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунда кўрсатиб ўтилган бошқа ташкилотларга таянадилар. Улар касаба уюшмалари ташкилотлари билан бевоқифа шаҳар ҳудудлари, шаҳар ташқарисидаги дам олиш ва чўмилиш жойларининг санитария ҳолатларини назорат қилишда ҳамкорлик қиладилар.

Ички ишлар идоралари касаба уюшмалари билан бирга ваколатларига кирувчи (ўрмонлар ва ўсимликлар дунёсини йўқ қилиш, ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларини бузиш, ўрмон ҳуқуқбузарликлари каби) ишларни кўриб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат жамоаларининг барча аъзоларига экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда катта таъсир кўрсатади.

Ички ишлар органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашга комплекс ёндашиш имконини беради. Комплекс режалар ички ишлар органлари ва жамоат ташкилотларининг кучларини бирлаштиришнинг самарали шаклидир. Комплекс режалар республикамизнинг бутун ҳудудида, вилоятлар, туманлар ҳудудларида табиатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишда, экологик қонунларни бузувчиларга қарши курашни режали асосда йўлга қўйишда, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ишонтириш, мажбурлаш, тарбиялаш чораларини қўллашда алоҳида аҳамият касб этади.

Ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишлари мавжуд экологик ҳуқуқий профилактик чоралар ичида алоҳида ўрин тутди. Аниқ мавзулардаги мақолалар ва эшиттиришлар ҳамда кўрсатувларнинг йўналиши ва мазмуни ойлик ва чораклик режалар билан тартибга солиниши ҳамда ҳар бир муайян ҳудуддаги вазият билан тўлиқ мос келиши керак. Буларга мақолалар, репортажлар, фельетонлар, сатирик кўрсатувлар, ички ишлар органлари ходимлари билан жамоатчилик биргаликда ўтказган рейд материаллари ва бошқалар кирди.

Ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасида аниқлаган камчиликларни бартараф қилиш ва илғор тажрибаларни

жорий этишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиши мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда бу ишларни йўлга қўйишда бой тажриба мавжуд. Матбуотимизда, жумладан «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Постда» каби газеталарда, республикамиз радио ва телевидениесига ички ишлар органлари ходимлари, уларнинг жамоатчи ёрдамчилари доимий равишда чиқишлар қилиб турадилар. Улар ўзларининг бу чиқишларида табиат бойликларини муҳофаза қилиш, мамлакатимиз табиий бойликларига нисбатан ёвузларча муносабатда бўлаётганларга, ўрмонлар, атмосфера ҳавоси, дарёлар ва бошқа сув ҳавзаларини ифлослантираётганларга, браконьерларга қарши кураш олиб боришга оид муаммоларни кўтариб чиқадилар. Оммавий ахборот воситаларидаги бундай чиқишлар албатта ўзининг ижобий натижасини беради.

Хуллас, ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишлари бизни ўраб турган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, аҳоли учун қулай табиий муҳит яратиш, республикамиз фуқароларининг қулай табиий муҳитга бўлган конституцион экологик ҳуқуқларини таъминлаш, қисқача айтганда, ҳозирги ва келажак авлод учун она табиатни асрашга хизмат қилади.

### **3-§. Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги**

Ўзбекистон Республикасининг мустақил ривожланиши мобайнида давлатни бошқариш ва демократик ислохотларни амалга оширишда фуқароларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш зарурлиги аён бўлди. Зеро, бу мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий талабидир. Адолатли жамиятда халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи саналади.

Фуқаролик жамияти, албатта, кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали курилади. Бунда давлат ташқи сиёсат, мудофаа, жамият хавфсизлигини таъминлаш, молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш каби умуммиллий вазифаларни амалга оширади, бошқа масалалар эса, Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «марказдан жойларга, жамоат ташкилотларига ҳамда аста-секин фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари зиммасига юклатилади»<sup>1</sup>. Чунки фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқариш органларини фаоллаштириш орқали барпо этилади.

Жамиятимизда тинчлик, осойишталик, халқимизнинг осуда турмуш кечириб, хотиржам меҳнат қилишини таъминлашда маҳалла аҳлининг хизмати катта. Қайси маҳаллада тинчлик бўлса, у ерда фаровонлик бўлади.

Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш, яъни бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш ва уларни очишдаги ҳамкорлиги, жамоат ташкилотлари билан бўлган ҳамкорлиги каби, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳам тўғри йўлга қўйилиши ижобий самара беради.

Ҳозирги кунда бошқа соҳалар каби ички ишлар идораларида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ислохотлардан кўзланган мақсад халқимизнинг тинч ва фаровон турмуш тарзини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг демографик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир маҳалла ҳудудида ички ишлар идораларининг асосий қуйи тизими ҳисобланган милиция таянч пунктларини ташкил этиш орқали бевосита аҳоли яшайдиган жойларда, маҳаллаларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда экологик қонунларнинг амал қилишини таъминлаш мақсадида ички ишлар идоралари ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа шу каби жамоат уюшмалари билан бевосита ҳамкорлигини йўлга қўйишдир.

Ички ишлар органлари экологик қонунлар ижросини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилар экан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аввало нималар киради?» деган савол туғилиши табиий ҳол. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасига асосан қуйидагилар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир:

– шаҳарча, қишлоқ, овуллар фуқароларининг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши) (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади);

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т., 1995. – Б. 16.



- фуқаролар йиғинининг кенгаши;
- фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;
- фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси;
- туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарлар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия (бундан буён матнда маъмурий комиссия деб юритилади)<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этилган моддага биноан, ички ишлар органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ичида биринчи навбатда фуқаролар йиғини билан, ҳамма соҳада бўлгани каби, экологик қонунларнинг ижросини таъминлашда ҳам мустаҳкам алоқада бўладилар.

*Фуқаролар йиғини* тўғрисидаги қоида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг 9-моддасида берилган. Унга кўра, фуқаролар йиғини – фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғинида 18 ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашадилар.

Фуқаролар йиғини ўзининг ваколатларига эга бўлиб, бу ваколатлардан айримлари – аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш; қонунлар ва бошқа қонун ости ҳужжатларининг, шунингдек ўз қарорларининг ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш; ободонлаштириш ишларини ўтказиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ тўплаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш; ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария-тозалаш ишларини ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиш каби ваколатлари – эколо-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 5. – 110-м.

гияга оид бўлиб, бу ваколатларини амалга оширишда ички ишлар органлари, жумладан профилактика инспекторлари, экология ва тозаликни муҳофаза қилувчи алоҳида милиция бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иккинчи таркибий қисми *фуқаролар йиғинининг кенгашидир*. Бу кенгаш фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва фуқаролар йиғинининг масъул котибидан иборат таркибда тузилади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг экология борасидаги ва экологик қонунларнинг ижросини таъминлашдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

– аҳолининг уйлари, ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ораста сақлаш, тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида қатнашишларини ташкил этиш;

– ёнилғи, электр ва иссиқлик энергияси ҳамда сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

– тегишли ҳудуддаги ерларнинг фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

– ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш;

– аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолатини назорат қилишда кўмаклашиш;

– ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларига риоя этилишини назорат қилишда кўмаклашиш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий меҳнатга тиклаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда амалга ошириш;

– илгари судланган ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш учун фахрийлар, хотин-қизлар ва ёшлар, маданият ва дин вакилларидан иборат комиссиялар тузиш.

Умуман, ички ишлар органлари экологик қонунларнинг ижросини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таркибий қисмларининг ҳар бири билан мустаҳкам алоқада, ҳамкорликда бўлади.

Бу жараёнда ўзбек халқининг миллий экологик урф-одатлари, кадриятларини қайта тиклаш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни экологик-ҳуқуқий тарбиялаш, жамиятимизга путур етказувчи иллат бўлган жиноятчиликка, жумладан экология соҳасидаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олишда маҳаллаларнинг ўрни нақадар юксаклигига ўз вақтида тўғри баҳо бериб, уларнинг мавқеини ошириш борасида кенг қамровли ишларни амалга ошириш лозим.

Республикамиз ҳудудида қадим замонлардаёқ ўзига хос шарқона демократик принципларга асосланган ўзини ўзи бошқариш тизими таркиб топган ва у маҳалла усулида ривожланган.

Мустақиллик туфайли «маҳалла» атамаси тарихда биринчи марта Конституцияга киритилди. Унга аҳоли ўзини ўзи бошқарувининг ноёб шакли сифатида конституциявий мақом берилди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Шу билан бирга, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига кўра, «шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайдилар. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади». Бу билан уларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари қонун йўли билан кафолатланган.

Ҳозирда республикамизнинг барча жабҳаларида мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий, маърифий ва экологик йўналишлардаги мавқеини кучайтириш, халқ фаровон-

лигини ошириш, қолаверса, аҳолининг осойишталигини таъминлашда фуқароларнинг иштирокини, ички ишлар органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш ишларига маҳаллалар катта ҳисса қўшмоқда.

Мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юрти ёшлари экологик ҳуқуқбузарликлар содир этмасликлари учун жойларда маҳалла оқсоқоллари ва ички ишлар органлари ходимлари ҳамкорлигида учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида тайёрланган «Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепциясида уни бажаришда оила, маҳалла, мактабнинг вазифалари аниқ кўрсатилган бўлиб, улар амалда ўз аксини топмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастурларда бевосита ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа масъул ташкилотларнинг ҳамкорликда амалга оширадиган тадбирлари ҳам режалаштирилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

– маҳалла оқсоқоллари (раислари) ва фаолларининг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича доимий фаолият юритувчи ўқув курсларини ташкил этиш;

– «Энг обод маҳалла» республика экологик кўрик-танловини қуйидаги асосий мезонлар бўйича ўтказиш:

- а) ичимлик сувидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- б) электр энергияси ва табиий газни тежаш;
- в) ер участкасидан самарали фойдаланиш;
- г) маиший чиқиндиларни камайтириш чора-тадбирларини кўриш;
- д) маҳаллаларнинг намунавий санитария ҳолати.

– «ЭКОСАН» саломатлик поездини Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг экологик аҳволи мураккаб туманларига юбориш;

– маҳалла ҳудудида болалар майдончаларини тиклаш ва реконструкция қилиш;

– маҳаллаларда маънавий-ахлоқий муҳитни, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оилалар ва маҳаллаларнинг ўзаро аҳиллигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш бўйича маҳаллалар ўртасида кўрик-танловлар ўтказиш;

– жойларда «Энг яхши маҳалла», «Энг намунали оила», «Намунали профилактика инспектори ва педагог-тарбиячи» кўрик-танловлар туркумини ўтказиш ҳамда уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

– «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловини ўтказиш ва ҳоказо.

Эътибор берадиган бўлсак, чоғроққина маҳаллада ҳам аҳолининг турли муаммоларини ҳал қилишга мутасадди бўлган анчагина жамоат ташкилотлари, шахслар бор. Булар – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш йиғини, хотин-қизлар кўмитаси, яраштирув комиссияси, профилактика (катта) инспектори ва бошқалар. Ҳамма гап уларнинг ўзаро ҳамкор бўлиб фаолият кўрсатишида. Қаердаки бунга эришилса, ўша ерда ижобий натижа бўлади, жумладан экология соҳасидаги ишларни олиб бориш ҳам шунга яраша бўлади.

Президентимиз томонидан 2003 йил – «Обод маҳалла йили», 2004 йил – «Меҳр ва мурувват йили», 2010 йил эса «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганлиги ўз-ўзидан юқоридаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, унинг янгидан-янги шаклларини излаб топишни тақозо этади. Зеро, мақсад ҳам шу юртимиз, маҳаллаларимиз, хонадонларимизни обод қилишдан иборат бўлиб, бу йўлда ҳар қанча куч-ғайрат сарфласа шунча оз.

Фуқароларимиз ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби экология соҳасида ҳам қабул қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис қарорлари, шунингдек қонунларимиздаги ўзгаришлардан ўз вақтида воқиф бўлиб боришлари зарур. Бунинг яхши англаган Республика Оқсоқолар Кенгаши ва унинг таркибидаги «Маҳалла» жамғармаси аввало маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчиларининг ҳуқуқий маданиятини оширишга эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда уларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир инсон бу борада ўз ҳиссасини қўшса кўзланган мақсадга эришиш мумкин.



### III БОБ

## ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК ВА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ФУНКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ

### 1-§. Экологик қонунларни бузганлик учун юридик жавобгарлик турлари

Табиатни муҳофаза қилишда экологик қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чораларини қўллаш катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти ва қонунни бузганлик учун юридик жавобгарлик чоралари давр талаби даражасида, дейиш қийин.

Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган катор экологик қонунлар ва қонуности норматив ҳужжатларда табиатни муҳофаза қилишда барча жамият аъзоларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, ер ости ва ўрмон бойликлари, атмосфера ҳавоси, сув ресурслари ҳамда атрофимизни ўраб турган табиатга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан онгли муносабатда бўлишга асосий эътибор берилган.

Жумладан, экологик қонунларни бузганлик учун жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида умумлаштирилган тарзда берилган. Мазкур қонуннинг 47-моддасига кўра, «айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар»<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин: биринчидан, юридик жавобгарлик ижтимоий жавобгарликнинг бир тури сифатида намоён бўлади ва шаклланиб, такомиллашиб боради; иккинчидан, юридик жавобгарлик давлат мажбурлов таъсирининг шаклларида ёки турларидан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 38-м.

Экология соҳасидаги юридик жавобгарлик экологик қонунчиликнинг бузилиши ва табиий муҳитга зарар етказилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатдир. У экологик қонунларни бузганлик учун давлат органлари томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбурий таъсир чораларини қўллашдан иборат.

Экология соҳасида юридик жавобгарликка тортишнинг асосий шarti табиатга зарар етказувчининг айбидир. Айб ҳуқуқбузарнинг содир этган қилмиши, манфаат ва мақсадларига субъектив муносабатларида ўз аксини топади. Табиатни муҳофаза қилувчи қонунчилик айбнинг икки шакли – қасд ва эҳтиётсизликни назарда тутади.

Экологик қонунларни қасддан бузган шахс ўзининг хатти-ҳаракати оқибатида атроф-муҳитга зарар етишини англаб етади ва буни хоҳлайди (тўғри қасд) ёки онгли равишда зарарли оқибатлар келиб чиқишига йўл қўяди (эгри қасд). Айбдор қилмишининг мотив ва мақсадлари турлича бўлиши мумкин: ғаразли манфаатдорлик – дарахтларни ўзбошимчалик билан кесиш, шахсий эҳтиёжи ёхуд сотиш учун гўшт ёки териларни ўлжа қилиш (ноқонуний ов) ҳаракатлари ва бошқалар.

Эҳтиётсизлик туфайли қонун бузилиши ва табиатга зарар етиши бепарволик, совуққонлик, ўзига ортиқча ишониш каби ҳаракатлар оқибатида келиб чиқади. Бунда айбдор шахс табиатдан фойдаланиш қоидаларини бузаётганлигини англаб етади ёки англаб етиши лозим бўлади, лекин бунга бепарқлик билан қарайди ёхуд зарарли оқибатларнинг олдини олишига асоссиз ишонади.

Экологик қонунларни бузганлик учун юридик жавобгарликнинг интизомий, маъмурий, фуқаровий ва жиноий турлари белгиланган.

Экологик қонунларни бузганлик учун қўлланиладиган юридик жавобгарлик чоралари орасида **и н т и з о м и й - ҳ у қ у қ и й ж а в о б - г а р л и к** алоҳида аҳамиятга эга. Шахсни экологик қонунларни бузганлиги учун интизомий жавобгарликка тортишдан асосий мақсад экологик тартибни бузганлик, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун моддий ва маънавий жавобгарликни ҳис этиш, қонун бузилиши ҳолларининг олдини олиш, фуқароларнинг экологик ҳамда меҳнат қонунларига, меҳнат интизомига риоя қилиши ва ўз бурчини масъулият билан бажаришини таъминлашдан иборат.

Экологик қонунларни бузганлик учун интизомий жавобгарлик айбдор шахснинг қилмишида интизомий ҳуқуқбузарликлар таркиби

мавжуд бўлганида амалдаги қоидаларга биноан қўлланилади. Унинг қўлланишига шахснинг ўз меҳнат мажбуриятларини масъулият билан бажармаслиги оқибатида табиатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилиши, табиий объектлар ва мамлакатимиз экологик тизимига зарар етказилиши асос бўлади.

Интизомий жавобгарлик айбдорларга хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолларда қўлланилади. Масалан, ердан фойдаланувчи меҳнат мажбуриятларини яхши бажармаса ва бунинг натижасида ердан самарали фойдаланиш ва агротехника қоидалари бузилса, ерни муҳофаза қилиш чоралари кўрилмаса, унга нисбатан интизомий жавобгарлик чорасини қўллаш мумкин<sup>1</sup>.

Интизомий жавобгарликнинг субъектини – жисмоний шахслар, объектини – корхона, муассаса ва ташкилотларнинг низомига асосан белгиланган иш тартиби ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига риоя қилмаслик ташкил қилади.

Интизомий жавобгарлик интизомий ҳуқуқбузарлик содир қилган шахснинг иш жойидаги маъмурият томонидан ёки юқори турувчи органлар томонидан ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан қўлланилади.

Экологик қонунларни бузганлик учун интизомий жавобгарлик корхона, муассаса ва ташкилотлар билан меҳнат муносабатларида бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун интизомий чоралар қўллаш учун ходимга табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш вазифалари юклатилган бўлиши лозим.

Интизомий ҳуқуқий жавобгарлик бир қатор ўзига хос жиҳатларга эга:

биринчидан, у маъмурий ёки жиноий жавобгарликка нисбатан оддийроқ ва енгилроқдир;

иккинчидан, интизомий жавобгарликка тортишда айбдорга моддий ёки мулкӣ хусусиятга эга чораларни қўллаш назарда тутилмайди;

учинчидан, интизомий жавобгарлик жамоаларнинг ўзлари томонидан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи томонидан хайфсан ёки ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан

---

<sup>1</sup> Усмонов М. Ер ва қонун. – Т., 1994. – Б. 149.

ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш каби интизомий жазо чоралари қўлланилади.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат кодексининг мазкур моддасида назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг бузилишига қарши кураш чораларидан бири – интизомий тарздаги моддий санкцияларни қўллаш. У режа, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилмаганлиги, табиий захиралардан фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларини бузганлик, ишлаб чиқариш чиқиндиларини тозалаш ва қайта ишлаш тадбирларини амалга оширмаганлик учун маошга қўшиб бериладиган мукофотдан маҳрум қилишда ифодаланади<sup>1</sup>.

Интизомий жазони қўллашда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражаси, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади. Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга имзо чектириб маълум қилинади.

Интизомий жазо чораси берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 184-моддасида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

Маълумки, табиатни муҳофаза қилувчи махсус орган (ер, сув, ўрмонларни муҳофаза қилиш, овчилик инспекциялари) ходимларининг ҳамда ички ишлар органларининг интизомий жавобгарлиги алоҳида қоида асосида тартибга солинади.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида интизомий жазо чораларини қўллашда Меҳнат кодексининг интизомий жавобгарликка бағишланган умумий қоидалари татбиқ этилади. Демак, ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилот ўз низоми ва йўриқномаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва такомиллаштиришда ҳамда ички меҳнат тартиби қоидаларини бузган шахсларни интизомий жавобгарликка тортишда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат

---

<sup>1</sup> *Мирзаев Т.* Экологияга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг тавсифи. – Т., 2000. – Б. 35.

кодексидадан ҳуқуқий асос ва манба сифатида фойдаланиши ҳамда унинг барча талабларига амал қилиши шарт.

Экологик қонунларнинг ижросини таъминлаш фаолиятини бузганлик учун қўлланиладиган юридик жавобгарлик турларидан яна бири маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликдир.

Маъмурий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг турларидан бири бўлиб, давлат ва жамоат бошқарувининг турли соҳаларида, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос йўсин ва усулларда ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган<sup>1</sup>.

Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг экологик қонунларни бузганлик учун энг кўп қўлланиладиган тури. Унинг кўп қўлланишига сабаб айнан экологик маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг кўп содир этилишидир.

Экологик маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг хавфлилик даражаси жинсий ҳаракатларга нисбатан камроқ бўлса-да, уларнинг кўплаб содир этилиши натижасида рўй берувчи умумий экологик зарар жинсий ҳаракатлар келтириб чиқарадиган зарардан юз чандон ошиб тушади.

Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг асоси ва таърифи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўрсатилган.

Ушбу қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмига асосан, «маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади».

Экологик маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликнинг мақсади маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни барча қонунлар қаби, экологик қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ҳам, бошқа шахсларнинг ҳам янги ҳуқуқбузарликлар содир этишларининг олдини олишдан иборат.

Экологик қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектлари фуқаролар ва мансабдор шахслардир. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13-моддасида маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши кўрсатилган бўлиб, унга асосан маъмурий

---

<sup>1</sup>Файрадова У. Ш. Административная ответственность за нарушение природоохранительного законодательства. – Баку, 1989. – С. 55.



ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга асосан барча соҳалардаги каби, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида ўзларининг хизмат вазифаларини бажармаган ёки етарли даражада виждонан бажармаган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мансабдор шахсларига экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик алоҳида йўриқнома<sup>1</sup> асосида ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг VIII боби табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгилайди ва 65–96-моддаларни ўз ичига олади.

Ушбу кодекснинг 23-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

а) жарима;

б) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

в) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

г) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

д) маъмурий қамоққа олиш.

Лекин ушбу маъмурий жазо чораларининг ҳаммаси ҳам Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосан экологик ҳуқуқбузарлик учун қўлланилмайди.

Юқорида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари ичидан фақат табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган маъмурий жазо чораларини кўриб чиқамиз.

---

<sup>1</sup> Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари мансабдор шахслари томонидан табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликни татбиқ этиш тўғрисидаги йўриқнома. – Т., 1998. – Б. 51.

**Ж а р и м а.** Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 25-моддасида жарима кўрсатилган бўлиб, унга асосан, жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Жарима маъмурий жазо чораси сифатида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 60, 65–96-моддаларида қайд этиб ўтилган экологик ҳуқуқбузарликларнинг барчаси учун қўлланилади.

Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтда белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса – ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга – энг кам иш ҳақининг юз бараваригача ва мансабдор шахсларга – юз эллиқ бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланган жариманинг энг кўп миқдори Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 6-моддасига биноан фуқароларга – энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ошмаслиги керак.

Экологик қонунчиликни бузишда айбдор бўлган фуқаролар, шунингдек ушбу соҳада ўрнатилган тартибга риоя этилиши бўйича ўз хизмат вазифаларини ижро этишда чоралар кўриши лозим бўлган мансабдор шахслар жаримага тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332-моддасига биноан, жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда – шикоят ёки протест қаноатлантирилмагани тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима ҳуқуқбузар томонидан Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки муассасасига тўланади, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинadиган жарима бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 333-моддасига асосан, ҳуқуқбузар жаримани юқорида кўрсатилган муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Башарти жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкидан, шунингдек умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

Жарима, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ижро ҳужжатлари бўйича ундириб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулкдан ундириб олиниши мумкин эмас.

Маъмурий жазо чораларининг навбатдагиси ҳ а қ и н и т ў л а ш ш а р т и б и л а н о л и б қ ў й и ш чораси бўлиб, бу жазо чораси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг VIII бобида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар, яъни табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун кўзда тутилмаган.

М у с о д а р а қ и л и ш. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш шу ашёнинг ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборатдир.

Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун мусодара қилиш жазо чораси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг фақат 90 ва 94-моддаларида кўзда тутилган. 90-модда «Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек,

ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш» деб номланиб, шу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик, яъни «тегишли рухсати бўлмаётган туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилиш ёки балиқ тутиш, шунингдек ов қилиш ёки балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини мунтазам равишда бузиш» учун ҳамда 94-моддада кўрсатилган «ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш» каби ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган.

Бу маъмурий жазо чораси, қоидага асосан, табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунчиликни бузувчи браконьерларга нисбатан қўлланилади. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларини бузганлик учун ноқонуний ов қилиш ва балиқ тутиш воситалари (ов милтиқлари, қопқонлар, тузоқлар, тўрлар ва бошқа ов воситалари) ҳамда қўлга киритилган ов маҳсулотлари олиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш ҳамда овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ ноқонуний ов ва балиқ тутишнинг аниқланган маҳсулоти олиб қўйилади ва қонун бузилишини аниқлаган шахсларда тақдирлаш сифатида қолдирилади (кўпи билан бир бош туёқли ҳайвон гўшти, умумий оғирлиги 5 килограммдан ортиқ бўлмаган миқдордаги ёввойи қуш, балиқ), тайёрлов ташкилотларига топширилиши шарт бўлган мўйна бундан мустасно. Туёқли ҳайвонларнинг бошқа гўшти ва балиқ тайёрлов ва савдо ташкилотларига, болалар уйларига, кексалар уйларига, мактаблар ва касалхоналарга белгиланган тартибда топширилади<sup>1</sup>.

Ов қилиш ва балиқ тутиш воситаларини олиб қўйиш, ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш тегишли

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 2004. – № 10. – 102-м.

назорат қилувчи органлар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ноқонуний ов ёки балиқ тутиш воситаларини ва қўлга киритилган маҳсулотларни браконьерлардан олиб қўйиш ҳақида ички ишлар органлари ходимлари ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳодисаси учун ов қилиш ва балиқ тутиш қоидалари бузилган ҳолат аниқланганидан сўнг 24 соатдан кечикмай баённома тузишлари шарт.

Баённома – ҳуқуқбузарлик фактини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамловчи ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи зарур процессуал ҳужжат. Шу боис ҳам ички ишлар органлари ходимлари баённома тузишнинг ўрнатилган шаклига қатъий амал қилишлари шарт. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 281-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада: шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан, гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. У баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

Маъмурий тартибда мусодара қилинган ва олиб қўйилган браконьерлик маҳсулотлари айбдор шахсни етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасида кел-



тирилган бўлиб, бу асосларга биноан ҳуқуқбузар шахс етказилган зарар ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаши лозим.

Ҳуқуқбузардан олиб қўйилган ва мусодара қилинган нарсаларнинг қиймати тегишли суд органларига тақдим этиладиган фуқаролик даъвосининг суммасига қўшиб ҳисобланмайди.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муайян шахсга берилган махсус ҳуқуққа нисбатан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати 15 кундан кам бўлмаслиги керак.

Асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин эмас.

Маъмурий жазонинг бу турида, содир қилинган экологик ҳуқуқбузарлик ҳолатининг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, айбдорлик даражаси, айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар инобатга олиниб, у туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан уч йилгача бўлган муддатга қўлланилади.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун бу жазо тури Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 90-моддаси иккинчи қисмидаги қилмиш учун назарда тутилган.

Маъмурий қамоққа олиш. Бу жазо чораси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 29-моддасида белгиланган бўлиб, унга асосан маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса жамоат тартибига тажовуз қилингани учун – ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Бу жазо чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса ҳарбий комендант ёки ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ҳам белгиланади.

Ушбу жазо чораси ҳомиладор ёки уч ёшгача боласи бўлган аёллар, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яққа ўзи тарбиялаётган шахслар, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ҳамда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий қамоққа олиш жазо чораси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 60-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик, яъни табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузганлик учун белгиланган.

Экологик қонунчиликни бузганлик учун шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш асослари ва шартларини Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан тақиқланган қилмишни содир этиш, бу шахсларнинг айби ва улар томони-

дан экологик ҳуқуқбузарликлар содир этиш натижасида келтирилган ёки келтирилиши мумкин бўлган зарарли оқибатлар ташкил этади.

Экологик қонунларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 242-моддасида қайд этиб ўтилган органлар (мансабдор шахслар) ҳамда махсус органлар ичидан шу соҳага, яъни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни қўллаш ваколатига эга бўлган органларнинг қарорларига биноан амалга оширилади.

Шундай органлардан бири ички ишлар органларидир. Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда, «Ўзнефтьгаз» инспекциясини жалб этган ҳолда, республиканинг барча ҳудудларида икки босқичдан иборат «Тоза ҳаво» тадбирини ўтказди. «Тоза ҳаво» тадбирини ўтказиш даврида автотранспорт корхоналари (АТК), автомобилларга ёнилғи қуйиш шохбчалари (АЁҚШ), автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари ва автомобилларнинг экологик ҳолати текширилади<sup>1</sup>.

Экологик қонунларнинг ижросини таъминлаш ва уни бузганлик учун қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг турларидан яна бири фуқаровий - ҳуқуқий жавобгарликдир. Бу жавобгарлик экологик ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши натижасида етказилган мулкӣ зарар оқибатида келиб чиқади.

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган иқтисодий ва экологик зарар учун қўлланилади.

Иқтисодий зарар табиий объектларнинг нобуд бўлиши, бузилиши, йўқ бўлиб ва камайиб кетиши ҳамда табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг хўжалик манфаатларига зиён етказилишида намоён бўлади.

Экологик зарар табиий шароитнинг ёмонлашуви, табиий объектларнинг сон ва сифат жиҳатдан салбий ўзгаришларида намоён бўлиб, бунда инсонларнинг тоза, соғлом ва қулай табиий муҳитда яшашга бўлган ҳуқуқлари бузилади. Масалан, атмосфера ҳавосининг ифлос-

---

<sup>1</sup> Атмосфера ҳавосининг ҳолатига кўчма манбаларнинг ифлослантирувчи таъсири // Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза (2002–2004 йиллар). – Т., 2006. – Б. 25–26.

ланиши оқибатида одамларнинг яшаш шароити ёмонлашиб, уларнинг соғлиғига зарар етказилиши мумкин. Экологик зарар инсонларнинг соғлиғи ҳамда келажак авлодларнинг саломатлигига зиён етказиши мумкин<sup>1</sup>.

Ушбу турдаги жавобгарликка тортишдан мақсад экологик қонун талабларини бузганлик оқибатида етказилган зарарни ўз вақтида қоплашдан иборат.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Мазкур қонуннинг 49-моддасида белгиланган қоидага кўра, «атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳамда айрим шахслар етказган зарарни, шу жумладан бой берган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт. Экология талабларини бузганликда айбланаётганларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши уларни атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди»<sup>2</sup>.

Мазкур модда матнидан кўриниб турибдики, экологик қонун талабларини бузганлик натижасида етказилган зарар ва бой берилган фойданинг ўрни тўлиқ қопланиши шарт.

Атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш ҳамда шу масала билан боғлиқ мажбурият ва битимларни тўғри амалга ошириш ва қўллаш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Фуқаролик кодексининг 985-моддаси айнан шу каби масалаларга бағишланган бўлиб, зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асосларини тартибга солади.

Атроф табиий муҳитга етказилган зарарнинг ўрни, юқорида қайд этилган қонунлар талабларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан ўрнатилган тарифларга мувофиқ ҳам тўлиқ ундирилади. Масалан, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибининг бузилиши сабабли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Экология ҳуқуқи / Масъул муҳаррир М.Б.Усмонов. – Т., 2001. – Б. 113.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 38-м.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарори билан тартибга солинган<sup>1</sup>.

Мазкур қарор билан ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўловлар сифатида тушган маблағлар, жарима суммалари ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш тўғрисидаги низом тасдиқланган бўлиб, ушбу низомнинг 2-иловаси ҳайвонот дунёсига етказилган зарар учун тўловлар миқдорини белгилайди. Мазкур низомнинг 2-иловаси «Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш тартиби бузилиши сабабли етказилган зарар миқдорини ҳисоблаш учун тўловлар миқдори» деб номланади ва унда ҳайвонларнинг турлари, уларга нисбатан зарар етказганлик учун тўловлар миқдори, жумладан Ўзбекистон фуқаролари ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланмайдиган юридик шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент сифатида (сўмда), хорижий фуқаролар ва юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслари учун (АҚШ долларарида) тўловлар миқдори белгиланган.

Фуқаровий ҳуқуқий жавобгарликнинг субъекти барча юридик ва жисмоний шахслардир.

Табиатга етказилган зарарни қоплаш суммасининг миқдори махсус қонунчилик билан тартибга солинмайдиган ҳолларда фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидалари бўйича фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилади<sup>2</sup>.

Экологик қонунларнинг ижросини таъминлаш ва бу фаолиятни бузганлик учун қўлланиладиган юридик жавобгарлик турларидан бири – ж и н о и й - ҳ у қ у қ и й ж а в о б г а р л и к.

Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик экологик қонун талабларини ва табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларни бузиб, жиноий ҳуқуқбузарлик, яъни жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қўлланилади. У бошқа юридик жавобгарликлар турларига нисбатан анча оғирдир.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами. – 2004. – № 10. – 102-м.

<sup>2</sup> Холмўминов Ж. Т. Экологик қонун талабларини бузганлик учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари // Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2001. – № 2. – Б. 17–20.

Экологик қонунларни бузганлик учун жиноий жавобгарликни қўллашдан асосий мақсад ушбу жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ҳамда содир этилган жиноятлар учун тегишли жазо тайинлашдан иборат.

Экологик жиноятлар жамият учун ўта хавфлилиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Бу жиноятларнинг хавфлилиги томони шундаки, уларнинг содир этилиши оқибатида атроф табиий муҳит издан чиқади, ундаги мувозанат бузилади, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қирилиб, уларнинг ноёб турлари йўқолиб кетади, одамларнинг оммавий касалланиши, ўртача умри камайиши, инсон организмида моддалар алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ қатор касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ушбу жиноятларнинг субъектини фуқаролар ва мансабдор шахслар, объектини эса ер, ер ости бойликлари, ўрмон, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар ташкил қилади. Объектив томони – атроф табиий муҳитга етказилган зарар, субъектив томони эса – мазкур жиноятларни қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида ушбу кодекснинг вазифалари кўрсатилган бўлиб, улар шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир<sup>1</sup>.

Демак, Кодекснинг вазифаларидан бири – табиий муҳитни жиноий тажовузлардан қўриқлаш ва унга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIV боби «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар» деб номланиб, унда экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланади.

Жумладан, Кодекснинг 193–204 ва 229<sup>1</sup>-моддаларида экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарлик турлари кўрсатилган бўлиб, 193-модда – экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш; 194-модда – атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш; 195-модда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2001. – Б. 4.



– атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик; 196-модда – атроф табиий муҳитни ифлослантириш; 197-модда – ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; 198-модда – экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни nobud қилиш; 199-модда – ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш; 200-модда – ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш; 201-модда – зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш; 202-модда – ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш; 203-модда – сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш; 204-модда – алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш; 229<sup>1</sup>-модда эса – ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жиноятлари учун жавобгарликни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 198, 202-моддаларида кўрсатилган жиноятларга доир ишлар бўйича ички ишлар органлари тўлиқ ҳажмда суриштирув ишлари олиб борадилар. Шу боис ҳам уларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида ушбу моддаларнинг қўлланиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ички ишлар органлари томонидан тергов қилинадиган, табиатни муҳофаза қилиш тартибини бузувчи ва бошқа экологик жиноятларга қараганда кўпроқ содир этиладиган жиноятлар Жиноят кодексининг 198 ва 202-моддаларида назарда тутилган.

Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Жиноят кодексининг айнан шу икки моддасида кўзда тутилган жиноятлар кўпроқ содир этилишига гувоҳ бўламиз. Масалан, республикамиз бўйича 2008 йилда жами 50 та экологик жиноят рўйхатга олинган бўлиб, улардан 42 тасини Жиноят кодексининг 198-моддасида кўзда тутилган жиноятлар, яъни экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни nobud қилиш, 5 тасини эса 202-моддада назарда тутилган жиноятлар, яъни ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш жинояти ташкил қилганлигини кўрамиз<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 39-моддасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказининг «2008 йилда рўйхатга олинган экология соҳасидаги жиноятлар тўғрисида»ги 2009 йил 22 август маълумоти.

тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи кўрсатилган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, 1996 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 36-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унинг 3-бандида: «Мазкур туркумдаги жиноят ва маъмурий ишларни кўришда бевосита жиноятни ва бошқа ҳуқуқбузарликни содир қилган шахслар билан чегараланиб қолмасдан, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузганликда айбдор бўлган барча шахслар доирасини синчиклаб аниқлаш шарт. Хусусан, ўзларининг ҳаракатсизликлари ёки қонунга хилоф ҳаракатлари билан табиатга зиён етказган корхона ва ташкилот раҳбарларининг айбдорлик даражасини аниқлаш ва уларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш зарур. Шу билан бир қаторда, экология назорати органларининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузилишига олиб келган ҳаракатсизликлари сабаблари ҳам аниқланиши керак. Асослар мавжуд бўлганда бундай органларнинг мансабдор шахслари жавобгарликка тортилмоғи лозим»<sup>2</sup>, – деб таъкидланган.

Экологик ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишида айбдор бўлган раҳбар ходимларнинг айбдорлик даражаси ва уларни жазолаш масаласи, юқорида қайд этилганлардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомда ҳам тартибга солинган. Низомнинг 12-банди 21-қисмида «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳайъат мажлисларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари юзасидан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар раҳбарларининг, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоботларини эшитади, йўл қўйилган қоидабузарликлар учун раҳбарларни жазолаш тўғрисида тегишли органлар олдига масала қўяди»<sup>3</sup>, деб таъкидлаб ўтилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 1. – 14-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. I жилд. – Т., 1997. – Б. 58.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1996. – № 5-6. – 70-м.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун қўлланиладиган жавобгарлик чораларининг самарадорлиги фақат содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик қўлланиши ёки бу жазо чораларининг оғирлиги билан эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги каби экологик қонунларнинг устунлигини таъминлаш, экологик қонунчиликни кодекслаштириш, ҳуқуқий тизимни либераллаштириш (эркинлаштириш) билан ҳам ошиб боради.

Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг қуйидаги сўзлари айтилган ҳақиқатдир: «Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ»<sup>1</sup>.

## **2-§. Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш функциялари ва уларни такомиллаштириш чоралари**

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни барқарорлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва экологик қонунларида кўрсатилган талабларни ўз вақтида бажариш ҳозирги кунда жуда катта ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий аҳамиятга молик масалага айланди. Бу масала ўз вақтида ақл-идрок билан ҳал қилинмаса ёки тегишли назорат органлари ўзларининг бу соҳадаги фаолиятини такомиллаштирмаса ёхуд қабул қилинган қонун ва қоидалар тўлиқ амалга оширилмаса, аҳолининг сиҳат-саломатлиги, мамлакатимизнинг миллий хавфсизлиги, қолаверса, ер юзидаги барча тирик мавжудотларнинг ҳаёти хавф остида қолади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – Б. 36.

кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир»<sup>1</sup>.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, экологик тизимни соғломлаштириш, экологик мувозанатни сақлаш, экологик хавфсизликни таъминлаш давлатнинг энг асосий вазифаларидан биридир.

Бизга маълумки, давлат ўз олдида турган вазифаларни ваколатли органлари орқали амалга оширади. Давлатнинг экологик қонунлар ижросини таъминлашдаги органларидан бири ички ишлар органларидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни 31-моддасининг иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси махсус ваколатли табиатни муҳофаза қилиш идоралари<sup>2</sup> сифатида қайд этилганлиги юқорида номлари санаб ўтилган ташкилотлар каби ички ишлар органлари зиммасига ҳам экологик муаммоларни ҳал этиш, яъни экологик ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда содир этилганларини фош қилиш борасида катта масъулият юклайди.

Шундай экан, экологик ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам ИИВ тизимига кирувчи турли бошқарма, бўлим ва хизматлар юқоридаги масалаларни ижобий ҳал қилишга ўз улушини қўшиб келмоқда. Хусусан, *Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳайъати* республикамизда ИИВ фаолиятига оид бир қатор буйруқлар, низом ва йўриқномалар қабул қилади, уларнинг жойларда ижро этилишини таъминлайди.

*ИИВ тизимига кирувчи Тергов бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари* амалдаги қонунларимизга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 7 майдаги

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 110.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 38-м.

«Жиноятчиликка қарши курашда ИИВнинг тергов хизматларини ролини кучайтириш ҳақида»ги қарори ҳамда ИИВнинг тегишли буйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан, барча соҳадаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар каби, экологик ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга ҳам қарши курашади, содир этилганларининг фош этилишини таъминлайди.

*Профилактика (катта) инспекторлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарори ҳамда ИИВнинг «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда милиция таянч пунктлари ва профилактика (катта) инспекторлари хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи билан тасдиқланган Йўриқномага асосан, ўзлари хизмат кўрсатаётган ҳудудда экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли орасида экологик ҳуқуқий тарбия самарадорлигини таъминлаш, экологик қонунларга итоаткорлик ва юксак даражадаги экологик ахлоқий хислатларга эга бўлиш ҳиссини уйғотиш орқали экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашадилар.*

*Экология ва тозаликни назорат қилиш алоҳида милиция батальони (ЭКОТОЗ)<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуни,<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 мартдаги 1933-сонли «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги фармони<sup>3</sup>, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 апрелдаги «Давлат санитария назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида санитария назорати тўғрисида»ги буйруғи талабларидан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган*

---

<sup>1</sup> Илгари ИИВ тизимида Санитария милицияси фаолият юритган ва юқорида айтиб ўтилган фаолиятни бажарган. Ҳозирги пайтда бу фаолиятни Экология ва тозаликни назорат қилиш алоҳида милиция батальони (ЭКОТОЗ) амалга оширмоқда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1992. – № 9. – 355-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари (1995 йил 5 январдан 2000 йил 1 январгача). – Т., 2000. – Б. 199–201.



Низомга мувофиқ, кўчалар, аҳоли пунктлари ва бошқа жамоат жойларининг экологик, санитар ва тозалик ҳолатларини ҳамда «Махсустранс» корхонасига тегишли автомашиналарнинг ўз вазифаларини бажаришларини назорат қилади, бошқа тегишли органларга экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ёрдам беради.

*Кўриқлаш бирлашмаси* ўз фаолиятини ИИВнинг «Ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинма (тизим)ларининг ҳарбийлаштирилган соқчилик ва қоровуллик хизматини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги буйруғи асосида тасдиқланган Низом ҳамда ҳуқуқий шартнома ва келишувлар асосида амалга ошира бориб, давлат аҳамиятига молик тарихий экологик объектлар ва табиий комплексларни кўриқлайди.

*Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати* Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ва ИИВнинг «Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғига асосан фаолият юритиб, халқ хўжалигининг барча объектларидаги каби, табиат объектларида ҳам ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш, ёнғинга қарши кураш чораларининг самарадорлигини ошириш ишларини ҳамда ёнғинларнинг олдини олиш тадбирлари ва ёнғинларга қарши курашнинг белгиланган талаблари бажарилишини назорат қилади.

*Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДЙҲХХ)* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 15 майдаги «Йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги қарори, ИИВнинг «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати сафидаги бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ҳақида»ги буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда 1996 йил 31 мартдаги 12/79/137-сонли «Ҳар йилги «Тоза ҳаво» операциясини ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи ва ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат автомобиль назорати бошқармаси ҳузурида «Экология» тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи асосида фаолият юритиб, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида автотототранспорт воситаларини, улардан чиқаётган шовқин ҳамда

ишлатилган газлар таркибида зарарли моддалар миқдори ёки туташ даражаси белгиланган меъёрларга тўғри келишини назорат қилади.

*Патруль-пост хизмати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикасида патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги қарори ҳамда ИИВнинг тегишли буйруғи асосида тасдиқланган Низомга мувофиқ фаолият юритиб, жамоат тартибини сақлаш бўйича, хусусан, экология борасида ҳам муайян вазифаларни бажаради. Уларга кўча, хиёбон ва истироҳат боғларидаги дарахтларга зиён етказилишининг олдини олиш, фуқаролар ва мансабдор шахслардан тозалик ва ободонлаштириш қоидаларига риоя этишни талаб қилиш, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли чоралар кўриш киради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, экологик қонунларнинг ижросини таъминлаш борасида ички ишлар органларига жуда катта масъулият юклатилган бўлиб, бу фаолиятни амалга оширишда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2004 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда ушбу фармонларга кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар асосида ички ишлар идораларининг ҳар бир хизматини ислоҳ қилиш ишларини оғишмай амалга ошириш республикамиз экологик сиёсатини янада мустаҳкамлашга ва экологик қонунлар ижросини ўз вақтида бажаришга ёрдам беради.

## М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ .....	3
-------------	---

### I БОБ

#### ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

1-§. «Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти» тушунчаси ва мазмуни.....	5
2-§. Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш фаолияти шакллари.....	12

### II БОБ

#### ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЭКОЛОГИК ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-§. Ички ишлар органлари томонидан экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг хусусиятлари.....	24
2-§. Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги.....	30
3-§. Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги.....	39

### III БОБ

#### ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК ВА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ФУНКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ

1-§. Экологик қонунларни бузганлик учун юридик жавобгарлик турлари.....	46
2-§. Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлаш функциялари ва уларни такомиллаштириш чоралари.....	63

**Шоимов Норқобил Бобомуродович**  
юримдик фанлар номзоди

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ҚОНУНЛАР  
ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИ**

*Ўқув қўлланма*

*Муҳаррир* **С.С. Қосимов**  
*Техник муҳаррир* **Д. Х. Ҳамидуллаев**

---

Босишга рухсат этилди ..... 2011. Нашриёт ҳисоб табоғи 4,0.  
Адади ..... Буюртма.....Баҳоси шартнома асосида.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.